Шу азиз Ватан — барчамизники!

# Ишонч

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

• 2 февраль 1996 йил, жума • № 9 (255)

## Янгиликлар, хабарлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов анъанавий жаҳон иқтисодий анжуманида қатнашиш учун Швейцариянинг Давос шаҳрига жўнаб кетди.

**Аҳолининг турар жой шароитларини яхшилаш, уй-жойни мулк қилиб сотиб олишга бўлган ижтимоий кафолатлар ва ҳуқуқларни кучайтириш, фуқароларнинг эркин пул маблағларини уй-жой қурилишига жалб этишни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида» Фармони эълон қилинди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Тожикистон Президентига, Парламентига ва халқига Мурожаатнома қабул қилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси жамоатчилиги, барча аҳолиси сўнгги кунларда Тожикистон Республикасида вужудга келаётган вазиятдан ташвишланаётганликлари баён этилган.

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

### ҲАМДЎСТЛИКДА

**Қозоғистоннинг янги чақириқ парламенти биринчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев нутқ сўзлади. Янги парламент иккита палатадан иборат.**

Беларусь Президенти Александр Лукашенко кеча бу ерга ташриф билан келган Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков билан учрашди. Учрашувда иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий масалалар муҳокама этилди. Бугун Евгений Примаков Украинага ташриф билан келади.

**Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Фармонига кўра ўзбекистонлик бир гуруҳ жамоат, фан, маданият ва санъат намояндалари қўшни давлатнинг юксак унвонлари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. Улар икки қардош мамлакат ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси ва «Манас»нинг 1000 йиллигини байрам қилишда фаол иштирок этганликлари учун шундай мукофотга сазовор бўлдилар.**

Кеча халқ таълими ходимларининг Бутунроссия иш ташлаши бошланди. Иш ташловчилар кўп миллиардли қарзларни тўлашни талаб қилмоқдалар.

**1 февралдан бошлаб Грузияда нон нархи 40 фоизга оширилади.**

Қирғизистонда минтақавий славяншунослик институти ташкил этилди.

**Доғистонинг Первомайск қишлоғида дудаевчилар томонидан қўлга олинган новосибирсклик 17 милиционердан бештаси озод қилинди. Қолган 12 кишини озод этиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.**

Молдовада энергетика тақчиллиги оқибатида 600 дан зиёд болалар боғчалари ва 40 га яқин мактаблар беркитилди.

### ХОРИЖДА

АҚШ Президенти Билл Клинтон мамлакатга расмий ташриф билан борган Россия Бош вазири Виктор Черномирдинни қабул қилди.

**Франция Президенти Жак Ширак унинг мамлакати барча ядро синовларини бутунлай тўхтатишини ва яқин вақт ичида умумий қуролсизланиш бўйича янги ташаббуслар билан чиқиш ниятида эканлигини айтди.**

Покистон ташқи ишлар вазири Асиф Аҳмад Али ўз мамлакати ҳар қандай ядро қуролларини тақиқлаш тарафдори эканини билдирди.

**Тайваннинг Хитой билан уришиш нияти йўқ, деди Тайван Президенти Ли Дэнхуэй. У Тайван билан Хитой ўртасидаги муносабатлар борган сари хавфли томонга қараб кетаётгани ҳақидаги гапларни оммавий ахборот воситалари ўйлаб топганлигини таъкидлади.**

Туркия Бош вазири Тансу Чиллер Грецияни Туркия ҳудудларига даъво қилишда айблади.

**Франция собиқ президентининг беваси Даниэль Миттеран унга сўнгги 15 йил мобайнида совға қилинган қимматбаҳо буюмларни кимошди савдосига қўйиб ундан тушган бир ярим миллион франкни ўзи раҳбарлик қилаётган жамғармага " инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланадиган ташкилотга топширди.**

Венециядa 1790 йилда қурилган Европадаги энг чиройли ва кўҳна театр — «Фениче» ёниб кетди.

## «Ўзсаламан»нинг дастлабки маҳсулотлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси, «Фарғона пойабзал» ҳиссадорлик жамияти ва Германия «Саламандер» фирмаси муассислигида «Ўзсаламан» қўшма корхонаси ташкил этилди. Корхонанинг низом жамғармасига германияликлар 500 минг марка миқдоридаги маблағ ҳамда 2 миллион марка қийматидаги дастгоҳлар билан улуш қўшди.

Ҳукуматимиз томонидан қўшма корхона эҳтиёжлари учун икки миллион 150 минг немис маркаси ажратилгани унинг белгиланган муддатдан анча илгари ишга туширилишига имконият яратди. Умуман, корхонани ташкил этишга 6,5 миллион немис маркаси сарфланди.

Маълумки, сифатли маҳсулот тайёрлаш учун малакали ишчи кадрлар зарур. Шу мақсадда фарғоналик пойабзалчилардан ун саккиз нафари «Саламандер» фирмасининг Рязандаги қўшма корхонасида уз маҳоратларини ошириб қайтдилар.

Келажакда бу ерда болалар ва аёлларнинг пишиқ ва бежирим пойабзалларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

**Суратларда: «Ўзсаламан» қўшма корхонаси фаолиятидан лавҳалар.**

**Ш. ОЛИМОВ олган суратлар.**

## ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

***29 январь куни республика касаба уюшмалари Кенгашида ушбу Кенгаш раиси Ҳ.Жамолов Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Магосаки Укеро билан учрашди.***

Дўстона вазиятда ўтган учрашувда ҳар икки томон ўз мамлакатларида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар беришди. Шунингдек, Ҳ.Жамолов замонавий шарт-шароитларда республикамиз касаба уюшмаларининг иш фаолияти, тизими, усули ва услублари ҳақида гапириб берди. Узбекистон мустақилликка эришгач, республика касаба уюшмалари хорижий мамлакатлар касаба уюшма ташкилотлари билан халқаро алоқалар ўрнатиш, узаро фойдали тажрибалар алмашиш имкониятига эга бўлганлигини таъкидлади у. Хусусан, Хитой, Туркия, Франция, Ҳиндистон, Германия ва бошқа хорижий давлатларнинг касаба уюшмалари билан ҳозирги вақтда изчил муносабатлар ўрнатилган. Ўтган йили Узбекистон касаба уюшмаларининг ХУ қурултойида 17 мамлакатдан меҳмонлар иштирок этишганди. Республика иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги туб ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда янги Низом ва фаолият Дастури қабул қилингани ҳам меҳмонга маълум қилинди.

Уз навбатида Япония элчиси Магосаки Укеро кунчиқар мамлакатидаги сиёсий аҳвол ҳақида маълумот бериб, икки мамлакат ва халқлар ўртасида узаро самимий муносабатлар ривожланиш, ва мустаҳкамланиб боришига ишонч билдирди. Меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилоти бўлмиш касаба уюшмалари яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатиш жараёнларига муносиб ҳисса қўшишлари шубҳасиз. Узаро тажрибаларимизни ўрганиш ва қўлланиш, вакилларимизнинг алмашиб туриши, иқтисодиёт, маданият ва спорт соҳаларида ҳамкорликни ривожлантира бориш, деди элчи, ҳар икки мамлакат учун фойдали бўлади. Шу ўринда Япония ва Узбекистон халқларини узвий боғлаб турувчи тарихий-анъанавий удумларни ҳам эслатиб ўтди у.

Учрашувни якунлар экан, томонлар дўстона ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш борасида келишиб олдилар.

Учрашувда Узбекистон касаба уюшмалари Кенгаши раисининг муовини З.Қодиров қатнашди.

**Ўз мухбиримиз.**

### Долзарб мавзу

## TACIS ДАСТУРИ: БАНКЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ЁРДАМЛАШИШ ЛОЗИМ

***Маълумки, Оврўпо Иттифоқи (ОИ) собиқ Иттифоқ республикаларига, ҳозир эса МДҲга кирган суверен давлатларга иқтисодиёт ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида хилма-хил ёрдам кўрсатмоқда. Бу ёрдам асосан TACIS Оврўпо комиссияси дастури доирасида амалга оширилмоқда. Ўзбекистондаги тижорат банкларига қай тарзда консалтинг ёрдами берилаётгани тўғрисида Оврўпо Иттифоқи экспертлар гуруҳининг раҳбари, DFS фирмаси (Буюк Британия) вакили жаноб Кит ЧАЛЛИНОР ҳикоя қилади:***

— ОИ техник ёрдам кўрсатиш борасида бир қатор дастурларни амалга оширмоқда. Масалан FARE дастурини олайлик. Бу дастур Марказий ва Шарқий Оврўпо мамлакатлари (социалистик иттифоққа бирлашган собиқ давлатлар)га кумаклашишга йўналтирилган. TACIS дастури эса мустақил иш юритади ва у МДҲ мамлакатлари учун мўлжалланган. Унинг тузилганига бир неча йиллар бўлди.

Хўш, Узбекистонда бу иш қай тариқа бошланди? Бундан икки йил аввал республикамиз ҳукумати Оврўпо Иттифоқига мурожаат этиб, молиявий фаолият хусусида ёрдам кўрсатилишини илтимос қилди. Шундан сўнг Узбекистонга ОИ вакиллари келишди, улар шу ернинг ўзида аҳвол билан танишдилар, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар доирасини белгилаб олдилар. Бу ишлар бажарилганидан кейин Узбекистн Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Давлат суғурта идораси билан биргаликда ОИга талабнома берди. Сунгра маблағ ажратиш масаласи ҳам ҳал қилина бошлади.

К. Чаллинор жанобларининг гапига қараганда Узбекистонда ҳозир TACIS дастури доирасига кирган 40 га яқин лойиҳа амалга оширилмоқда. Булар иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигининг асосий соҳаларини ўз ичига олади. Энг йирик лойиҳа Орол денгизи яқинида ирригация тизимини яхшилаш соҳасига таалуқлидир. TACIS жамики дастурининг умумий қиймати 1995 йилда 10 миллион экюни ташкил этди.

— Лойиҳамизнинг уч йўналишини кўрсатиш мумкин, — дейди гапини давом эттириб Кит Чиллинор жаноблари. — Биринчи ва асосий йўналиш — банк масаласи. Биз бозор муносабатларига ўтиш даврида тижорат банкларининг мушкулини осонлаштириш мақсадида уларга маслаҳат хизмати кўрсатамиз. Иккинчи йўналиш суғурта масаласи билан боғлиқ. Ниҳоят, лойиҳамизнинг учинчи йўналиши қўшма банкни ташкил қилиш ёки янги типдаги банкни вужудга келтириш имкониятларини ўрганишдан иборат.

TACIS дастури ўз фаолиятини 1995 йил апрелида бошлади ва у бир йилга мўлжалланган. Лойиҳанинг банк қисми ана шу давр ичида амал қилади. Ҳозир асосан 6 та ҳиссадорлик-тижорат банкларига консалтинг ёрдами кўрсатилмоқда. Булар «Пахта банк», «Саноат-қурилиш банки, Халқ банки, «Турон», «Тадбиркорбанк» ва «Ипак йўли» инновация-тижорат банкидир. Бу банклар Узбекистон Республикаси Марказий банкининг тавсияси билан танилган. Марказий банк эса TACIS дастурининг асосий шеригидир.

TACIS дастури идорасида экспертлар, шунингдек юқорида номлари санаб ўтилган тижорат банкларининг биттадан вакили ишлайди, бу вакиллар TACIS дастури идораси билан ўша банкларни бозловчи воситачилар ҳисобланади. Айни пайтда улар банк ишлари соҳасидаги ўз билимларини бойитадилар, ўз касбмалакаларини оширадилар. TACIS дастурининг экспертлари эса амалий аҳамиятига молик ишларни бажарадилар. Уларнинг иши кўпроқ бизнинг банкларимиз кўрсатадиган ташаббусга боғлиқ. Бундай ташаббус қанчалик кўп бўлса, банклар TACIS экспертларидан шу қадар кўпроқ наф кўрадилар.

ОИ экспертлари кредит берилишидаги таваккалчилик муаммоларини ҳал этишда ёрдамлашадилар. Улар ташқи мустаҳкам валюта жараёнларини амалга ошириш учун лицензияларга эга бўлган ҳамма банкларга халқаро банк операцияларини бажаришда, халқаро тўловлар соҳасидаги амалларга фаол аралашишда ва бошқа ишларда кумаклашадилар. Бундан ташқари, банкларнинг қиймматбаҳо қоғозлардан фойдаланиши борасида ҳам дуруст ҳамкорлик ўрнатилган.

Мухбиримизнинг «Узбекистонда банк ишининг ривожланиши даражаси ва унинг истиқболлари қандай?» деган саволига жаноб К. Чаллинор қуйидагича жавоб қайтарди:

— Аслини олганда банк тизими мустақил Узбекистонда эндигина вужудга кела бошлади. Кейинги 70 йил мобайнида совет банк тизими амал қилиб келганлиги маълум. Ҳозир биз шундай манзарани кўраяпмиз: банк тизимининг раҳбарлари ҳамда ходимлари маданийлашган, халқаро даражадаги, замонавий иш юритишга интилмоқдалар. Республика ҳукуматининг бутун банк фаолиятини юксак даражага кўтаришдан манфаатдор эканлиги кўриниб турибди.

Жаноб К. Чаллинорнинг фикрича, Оврўпо банклари билан Узбекистон банклари ўртасида фарқ бор, албатта. Асосий фарқ бу банклар ўртасидаги ҳисоб-китоб қилиш тизимининг турлича эканлигидир. Узбекистон Республикасининг Марказий банки ва Оврўпо қайта тиклаш ва ривожланиш банки биргаликда республикадаги банкларнинг бухгалтерлик ҳисобкитобини янги тизимга ўтказишга доир тадбирларни ишлаб чиқмоқдалар.

Бугунги кунда банклар узларига хос бўлмаган тарзда иш юритмоқдалар. Масалан, улар корхоналар ҳамда ташкилотларнинг ходимларига иш ҳақи тўлайдилар ва бу ишни назорат қиладилар. К. Чаллинор ўзи ишлаётган тизимда бу иш мутлақо бошқача эканлиги, банклар бу иш билан шуғулланмаслигини, бундай қилиш уларнинг ривожланишига ҳалақит беришини таъкидлади.

Тижорат банклари олдида турган энг муҳим масалалардан бири катта миқдорда берилган ссудалар ҳамда қарзларнинг ўз вақтида қайтариб олинишидир. Ахир, олинган қарз ёки кредит банкка қайтиб келмаса, уни бир кунмас-бир кун ҳисобдан чиқариб юборишга тўғри келади. Йилдан йилга кўчувчи бундай қарзни банкнинг активи деб ҳисоблаб бўлмайди.

TACIS дастури гуруҳида лойиха раҳбаридан ташқари 3 нафар эксперт ишлайди: Иоанос Родополос-сўғурта ишлари бўйича мутахассис, Зои Фитсиу—бухгалтерлик ҳисоб-китоби бўйича маслаҳатчи ва Василис Ставранос — банкни компьютерлаштириш бўйича мутахассис. Булар орасида К. Чаллинор билан Й. Родополос энг тажрибали кишилардир, улар ўз мутахассислиги бўйича 30 йилдан зиёд тажрибага эга.

— Ҳозир республикангиздаги банк муассасаларини компьютерлаштириш соҳасида жадал ишлар олиб борилмоқда., — дейди К. Чаллинор жаноблари. — 70-йилларда Буюк Британияда худди шундай иш амалга оширилганди. Шуни айтиш керакки, компьютерлаш иши сизларда шоша-пиша, муайян компьютерлар тизимини таҳлил ва тадқиқ қилмай, уни қўлланиш мақсадга мувофиқми ёки мувофиқ эмаслигини аниқламай, олиб бориляпти. Ходимларни тайёрлаш иши ҳам талаб даражасида эмас. Таҳлил ишлари билан шуғулланувчи мутахассислар камдан-кам тайёрланмоқда. Вақоланки, бу соҳадаги вазиятни ўшалар белгилаб беради.

Жаноб К. Чаллинор ҳақ гапларни айтяпти. Банк тизимини ривожлантиришда тайёр андоза-лар йўқ, албатта. Бу иш осон эмас, балки жуда мураккабдир.

Республикамизда Оврўпо Иттифоқига катта ишонч билан қарамоқдалар. Узбекистон ва МДҲ даги бошқа мамлакатларнинг бозори Ғарб давлатларидаги бозорга тенглашадиган, улар билан бемалол рақобатлаша оладиган замонлар келади, албатта. Бунинг учун республикамиз банкларининг чет эл банклари билан алоқасини мустаҳкамлаш, жаҳоннинг юксак тараққий этган банклари билан ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш, хорижий сармояларни юртимиз иқтисодиётига кенг жалб қилиш лозим.

**Фарҳод РАСУЛОВ.**

### Ўзбекистон КУФК раёсатида

## СОВРИН ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Узбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Кенгаши раёсати оммавий ва профессионал футболни ривожлантириш ва уни кенг тарғиб қилишни таъминлаш мақсадида энг яхши дарвозабон учун Федерациянинг йиллик махсус совринини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Узбекистон КУФК ишлар бошқармасига йиллик бюджетни шакллантиришда шу мақсад учун зарур маблағ ажратишни кўзда тутиш топширилди.

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ - НАВРЎЗГА

Республика касаба уюшмалари Федерациясининг Кенгаши раёсати Навруз умумхалқ тантаналарида касаба уюшмалари ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган қарор қабул қилди. Унга кўра тармоқ касаба уюшмалари Марказий Қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашларига байрамга тайёргарлик кўриш ва уни намунали ўтказиш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия этилди. Бу тадбирларда жумладан, ободонлаштириш ва кукламзорлаштириш ойликлари ва шанбаликлар ўтказиш, урush ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, етим-есирларга, кўпболали оилаларга ёрдам бериш, клублар, маданият уйлари ва саройларида турли учрашувлар, бадиий ҳаваскорлар концертлари уюштириш, кўргазмалар ўтказиш кўзда тутилиши керак. Шунингдек, касаба уюшмалари уйида Навруза бағишланган фотокўргазма ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

«Ишонч», «Ишонч-Доверие» газеталари таҳририятига Навруз умумхалқ тантаналарига тайёргарликнинг бориши ва уни ўтказилишини кенг ёритиб бориш топширилди.

### Касаба уюшма ҳаёти

## АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

***Биз ҳуқуқий, демократик давлат қуриш йўлидан бораётган эканмиз, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш Президентимиз томонидан илгари сурилган машҳур бешта тамойилдан бири эканлигини асло унутмаслигимиз лозим. Касаба уюшмаларининг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш, шаҳар аҳолисининг ижтимоий ва моддий турмуш аҳволини яхшилаш, иқтисодий ривожланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳар йили Тошкент шаҳар ҳокимияти билан шаҳар касаба уюшмалари кенгаши ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланади. Ушбу юридик ҳужжат меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялашда катта аҳамият касб этмоқда. Корхона ва ташкилотларда маъмурият билан тузиладиган жамоа шартномалари тўғрисида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.***

Зеро, жамоа шартномаси - бу бозор муносабатларига ўтиш шароитида меҳнаткашлар манфаатларини кузловчи ягона меъёрий далолатнома бўлиб ҳисобланади. Шаҳар касаба уюшмалари кенгаши ходимлари жойларда тез-тез бўлиб, ижтимоий ҳимояни ташкил этиш юзасидан малакали маслаҳатлар берадилар, амалий-услубий ёрдам кўрсатадилар.

Бундан ташқари меҳнаткашларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ходимлари томонидан жамоа шартномаларини тузиш бўйича услубий тавсияномалар ишлаб чиқилиб, амалий фаолиятда қўлланиш учун тармоқ касаба уюшма қўмиталарига ҳамда бошланғич ташкилотларга юборилди. Тармоқ касаба уюшма қўмиталари корхона, ташкилот, муассасалардаги бошланғич ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик актларида кўрсатиб ўтилганидан ташқари ўз маблағлари ҳисобидан қўшимча имтиёз, кафолат ҳамда тўловларни белгилаш борасида қатор тадбирларни амалга ошириб, уларни жамоа шартномалари таркибига киритдилар.

Меҳнаткашларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш бўлимининг бу йилги режасида жамоа шартномаларини тузишда Узбекистон Республикасининг янги меҳнат Кодексига асосланган ҳолда услубий тавсияномалар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка қатъиян риоя этилишини назорат қилиш, ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлишига йўл қўймаслик мазкур бўлим фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этади. 1995 йил мобайнида бу ерда 47 та ариза ва шикоятлар кўриб чиқилиб, 250 киши шахсан қабул қилинди, Мавжуд аҳволни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, меҳнаткашлар томонидан тушган аризаларнинг аксарияти улар фойдасига ҳал этилган. Ҳуқуқий тарғибот ҳамда касаба уюшма фаолларини меҳнат тўғрисидаги қонунчилик актлари бўйича ўқитишга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ана шу мақсадда ўтган йили тармоқ касаба уюшмаларида, бошланғич ташкилотларда семинарлар ўтказилди. Жорий йилда ҳам янги меҳнат Кодекси бўйича касаба уюшма фаоллари малакасини ошириш кўзда тутилмоқда.

Корхона ва ташкилотлардаги иш шароитларини, санитария-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, ишлаб чиқариш жароҳатлари ҳамда касб касалликларининг олдини олиш борасидаги тадбирларни назорат қилиш касаба уюшмалари техник инспекцияси зиммасига юклатилган. Уларнинг сайъи-ҳаракатлари билан ўтган йили меҳнат муҳофазаси қоидалари ҳамда нормаларининг бузилишига оид 8 минта яқин ҳолат аниқланди ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Бу, шубҳасиз, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка, техника ҳавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитариясига риоя этишда корхона ва хўжалик раҳбарларининг масъулиятини ошириб, уларни аҳоли манфаати йўлида қатъият билан иш юритишга ундаяпти.

Шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг бугунги кундаги муҳим вазифаларидан бири - касаба уюшма қўмиталари ва фаолларнинг жойларда кафолатли ижтимоий ҳимояни таъминлаш борасидаги ролини кучайтиришдан иборат. Меҳнат бўйича техник инспекциянинг асосий эътибори ҳам ана шу мақсадга қаратилган. Ишлаб чиқаришдан жароҳатланишнинг олдини олиш, меҳнаткашлар соғлиги ҳамда ҳавфсизлигини ҳимоя қилиш юзасидан фаол иш олиб борилаяпти.

Узбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни талаблари барча корхона ҳамда ташкилотларда огишмай амалга оширилишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун, авваломбор, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари билан алоқани такомиллаштириш, тарғибот ишларини кучайтириш, меҳнат жамоалари ва ходимларнинг масъулиятини янада ошириш талаб этилади.

Маълумки, бозор муносабатларига ўтиш натижасида мулк шакллари узгариб бормоқда. Уттан йилнинг IУ чорагида шаҳар касаба уюшмалари кенгаши билан тадбиркорлар касаба уюшмалари кенгаши ўртасида қонуний тартибда ширкат, ижара, қўшма ва хусусий корхоналарда меҳнат қилаётган кишиларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан узоқ муддатли ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди. Ҳозирги кунда бу масала фаолиятимизнинг муҳим қиррасига айланган. Ишончимиз комилки, узаро ҳамкорлик тез орада узининг ижобий натижаларини беради.

Саломатлик - туман бойлик, дейди халқимиз. Аслида ҳам шундай. Шаҳар касаба уюшмалари кенгаши меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзолари саломатлигини ҳамиша диққат марказида тутиб келмоқда. Уттан йили шу мақсадларга ижтимоий суғурта ҳисобидан 136 миллион сўм миқдорда маблағ сарфланди. Бу эса режага нисбатан 102 фоизни ташкил этади. Даволанувчилар учун жами 9,5 мингта йўлланма сотиб олинди. Шаҳарда 30 та санаторий-профилакторий фаолият кўрсатмоқда. Бултур ушбу шифо масканларида 27 мингдан ошиқ киши даволаниб, уз соғлиқларини мустаҳкамладилар.

Шуни айтиш керакки ёш авлод ҳақида ғамхўрлик тобора кучайтирилаяпти. 1995 йилнинг ёз мавсумида 67 та соғломлаштириш оромгоҳларида 42000 нафар бола, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразмдан келган 2 мингдан ошиқ ўғил-қизлар ҳордиқ чиқаришди. Болалар оромгоҳларининг фаолият юритиши учун 30 миллион сум, шаҳардаги ўсмирлар спорт мактаблари учун эса 5 миллион сумдан зиёд маблағ ажратилганлигини таъкидлаш ҳам ўринлидир.

Мана, янги йилнинг иккинчи ойи бошланди. Фаолиятимизнинг барча йўналишларини чуқур таҳлил қилиб, эришилган ютуқларни эътироф этган ҳолда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чораларини кўришимиз лозим. Зеро шаҳар аҳолиси манфаатлари, Она- Ватанимиз равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилиш асосий бурчимиздир. Ҳурматли Президентимиз И. Каримов Узбекистон Олий Мажлиси IУ сессиясида жумладан шундай деган эди.

«Биз бугун ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, эртага ўрнимизга келадиган ёшлар, фарзандларимиз тўғрисида ўйлашимиз, уларнинг маънавий камолоти ва жисмоний соғлиғи, одамларнинг соғлиғи, миллатнинг соғлиғи тўғрисида қайғуришимиз керак».

Муҳтарам юртбошимизнинг ушбу йўл-йўриқлари, қимматли фикрлари фаолиятимиз учун дастуриламал бўлиб қолади.

**Омонулла САФОЕВ,**
**Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раиси.**

### Биржа янгиликлари

Тошкент шаҳар универсал кўчмас мулк биржасида бўлиб ўтган кимошди савдосида 10 та ер участкаси сотилди. Уларнинг бошланғич нархлари 650 минг сум эди. Савдодан сўнг сотилиш суммаси 805 минг сумни ташкил этди. Бу эса хусусийлаштириш жараёни чуқурлашиб, янги мулкдорлар табақаси шаклланаётганидан далолат беради.

***

Республика Қимматбаҳо қоғозлар биржасида ўтган ҳафта пайшанба куни оддий акциялар савдоси бўлиб ўтди. Унда 6 та ҳиссадорлик жамоалари қатнашдилар. Бухородаги «Геофизик» жамоа акциялари 870 сумдан, Фарғона вилояти «Марғилон нон» жамоа акциялари 1740 сумдан, Тошкент шаҳар «Ўзсаноатфуқарокўрилиши» ташкилоти акциялари 920 сумдан сотилди. Жами 6923 та оддий акцияларнинг сотув ҳажми 4662090 сумни ташкил этди.

30 январь куни ҳам биржада шундай савдо бўлиб ўтди. Унда қатнашган 12 та ҳиссадорлик жамоалари узларининг 32587 та оддий акция қоғозларини 21136485 сумга сотдилар. Андижоннинг «Дори-Дармон» жамоа акциялари 860 сумдан ва Тошкент шаҳридаги «Азия» жамоа акциялари 130 сумдан сотилди.

Демак, жамиятимизда акциядорлар ҳам таркиб топиб, бозор муносабатлари чуқурлашиб бормоқда.

***

Республика Агросаноат биржасида ўтган жума куни бўлган савдода таклиф этилган истеъмол моллари ва товарлар 604 хилни, уларнинг қиймати эса 550 миллион сўмни ташкил қилди. Маҳсулот турларининг ортиб бораётганлиги харидорларни биржа савдосида фаолроқ ҳаракат қилишга ундамоқда.

Ускуналар бўлимида аввалгидек подшипниклар, автошиналар ва аккумуляторларнинг турли маркалари намойиш этилди. Металл прокати бўйича ҳам таклифлар кўпаймоқда. Металл листларининг нархи газ ва сув қувурлари баҳосига яқинлашиб қолди: бир тоннаси 35-37 минг сўм бўлиб турибди. Арматура ва металл бурчакларнинг нархлари 19-21 минг сўм атрофида қайд этилмоқда. Четдан келтирилган металл прокати маҳсулотларининг нархлари бироз кўтарилди. Биржа савдосида маҳсулот турларининг баҳоси ўртача 5-8 фоизга ошганлиги кузатилди. Бунга сабаб савдодаги талаб ва таклифлар даражасидир.

***

Узбекистон Республикаси Валюта биржасида бўлиб ўтган савдо ҳажми 13,96 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати мустақил 36,10 сум даражасида қайд этилди. Ваколатли банклар эркин муомладаги нақд валютани айирбошлашда сотиш ва харид қилиш қийматини мустақил ҳолда узлари белгилайдилар. Валютани аҳолидан харид қилишда воситачилик ҳақи олинмайди.

### ОБ-ҲАВО ВА САЛОМАТЛИК

Узбекистон об-ҳаво бюросининг берган маълумотига қараганда 2-6 февраль кунлари республика ҳудудида об-ҳаво узгариб туради. Вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлиб, ёмғир, баъзида қор ёғиши мумкин. Кейинги кунларда эса деярли ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат пасайиб кечалари 1-6 даража иликлик ҳамда 2-6 даража совуқ оралигида бўлади. Кундуз кунлари эса ҳарорат 9-14 дан 0-5 даражагача пасайиши кутилади.

Республиканинг Жанубий ҳудудларида кечалари ҳарорат 3-8 даража иликлик билан 0-4 даража совуқ оралигида, кундуз кунлари эса, ҳарорат 11-16 ва 3-8 даража илиқ оралигида бўлади. Шимолий ҳудудларидаги туманларда эса, кечаси ҳарорат 2-7 дан 10-15 даражагача совуқ оралигида. Ҳафтанинг урталарига бориб ҳарорат кутарилади.

Об-ҳавонинг узгарувчанлиги туфайли сурункали касаллиги бўлган кишилар узларини нохушроқ сезишлари мумкин. Аммо бундай ҳолат тез ўтиб кетади.

5-11 февраль кунлари эса қуёш фаоллиги сусайган бўлади. Аммо мазкур ҳафтанинг 9, 10, 11 февраль кунларида «геомагнит бўронлари» бўлиши кутилади. Шу боис сурункали касалликлари бўлган кишилар уз биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кун тартибига қатъий риоя қилишлари лозим. Қолаверса, мазкур кунларда чекиш, кофе ҳамда спиртлиги ичимликларни истеъмол қилишни бир мунча чеклаган маъқул. Тинчлантирувчи дориларни ичиб туриш эса фойдадан ҳоли эмас. Таркибида В ва С витаминлари бўлгай дорилар ҳам яхши таъсир кўрсатиб, нокулай об-ҳаво шароити инсон танасида нохушлик уйготмай ўтишига кўмак беради.

*Ўзбекистонда бир пайтлар ғаллачиликда бой тажриба мактаби яратилган эди. Мен «Қизил Ўзбекистон» газетасининг қирқинчи йилларда босилган сонларини варақлаб чиқдим. Россиянинг катта қисми, Украина ва Кавказни душман босиб олгани, Қозоғистон қўриғи ҳали ўзлаштирилмагани учун Ўзбекистон фронтни ғалла ва шакар билан таъминлайдиган асосий минтақалардан бири бўлган. Ушанда суғориладиган майдонлардан 50-70 центнердан буғдой ҳосили олинган. Олтмишинчи-саксонинчи йилларда пахта якка ҳокимлиги бу мактабни таг-томири билан емириб ташлади. Мустақиллик шарофати туфайли энди у қайта тикланиб, шаклланиб, пойдеворини мустаҳкамлаб бораяпти. Ана шу масъулиятли ва мураккаб босқичда 1995 йил катта сакраш ҳамда бурилиш йили бўлди.*

## Ғалла мустақиллиги - фаровонлик рамзи

# ОМИЛКОРЛИК - ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Бу ўзгаришни «Ўзбекистон» деҳқон-фермер уюшмаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Хўжалик 1994 йилда 145 гектар майдонга буғдой экиб, ҳар гектаридан 21,2 центнердан ҳосил олган эди. 1993 йилги натижа эса ундан ҳам паст эди. Ўтган 1995 йилда 222 гектар ерга кузги буғдой экилиб, ҳар гектаридан 38.4 центнердан ҳосил олинди. Бир йилда ҳосилдорлик қарийб 17,2 центнерга ошди. Буни деҳқончиликда мўъжиза дейиш мумкин.

-Бизда мўъжиза яратишга қодир асл деҳқонлар бор,-дейди уюшма раиси Солижон Тожиев. - Улар ҳар гектар майдондан 54 центнерга етказиб ҳосил олишди. Масалан, 10-бригадада 16 гектар, 8-бригадада 12 гектар майдонда ҳосилдорлик 54 центнердан ошди. Бу 1994 йилдаги натижадан қарийб икки баробар кўп.

-Бир йилда бундай ўсишга қандай қилиб эришдингизлар? - сўраймиз раисдан.

-Буни ҳеч қандай сири йўқ,-дейди Тожиев. -Аввало, уруғлик донни тўғри танлай билиш керак. Масалан, бу йил биз «Ёнбош» навини танладик. Кейин гектар тўлиқ, кўчат, яъни майса тигиз бўлишини таъминлаш зарур. Ўтган йили айрим майдонларимизда кузги майса сийрак бўлиб қолганлиги учун баҳорда ораларига қўшимча дон сепдик. Сўнгра ўсишда кузгисига етиб олиши учун парваришни кучайтирдик. Умуман, суғориладиган майдонларда ёмғирни кутиб ўтириш панд беради. Биз барча майдонлардаги буғдойни икки марта суғордик. Ҳар беш гектарига бир тоннадан минерал ўғит солдик. Қарабсизки, экинимиз бир текис гуркираб ривожланди. Яна бир ютган жойимиз шу бўлдики, пишиб етилганда вақтни ва ҳосилни бой бермай, яъни тўкилиб кетишига йўл қўймай атиги бир неча кунда йиғиштириб олдик.

-Баъзи деҳқонларнинг хатоси шундаки, -деб сўзида давом этади Солижон Тожиев,-буғдойга энг кам меҳнат талаб қиладиган экин сифатида муносабатда бўлишади. Ерни бир амаллаб юмшатиб донни сепиб қўйишади-да, кейин баҳорда ёмғирни кутиб қўл қовуштириб ўтиришади. Меҳнат ва маблағ сарфламай арзон ҳосил олишни ўйлашади. Бу таваккалчиликдек гап. Деҳқон таваккалчи эмас, тадбиркор бўлиши керак. Мана, ўтган йили ёмғир кам бўлиб таваккалчилар бармоқ тишлаб қолишди.

Ўтган йили бу хўжаликда биргина буғдой эмас,бошқа экинларда ҳам ҳосилдорлик кескин ошди. Жумладан, ҳосилдорлик бир йилда пахтада - 25,2 центнердан 29,9 центнерга, арпада - 5,8 центнердан 19,8 центнерга, шолида - 18.4 центнердан 25 центнерга, сабзавотда - 200 центнердан 237 центнерга, бедада - 82 центнердан 100,9 центнерга кўтарилди. Ғўзт етиштириш ва пилла топшириш ҳажми ошди. Энг муҳими, қишлоқ хўжалигидан олинган даромад 1994 йилда 3 миллион 809 минг сўмни ташкил этган бўлса, 1995 йилда қарийб 24 миллион 990 минг сўмга етди.

Буғдой бўйича давлат буюртмасини бажаришдан ташқари 149 тонна уруғлик жамғардик, 169 тоннасини бошқа жамоа хўжаликларига сотдик, юқори ҳосил олган ижарачиларга бир неча тоннагача натура ҳолида бердик,-дейди йил якунидан мамнун раис.

-Умуман, буғдой етиштириш хўжаликка фойда келтирдими ёки зарар?

-Агар биз буюртмани бажариш билан чегараланиб қолганимизда зарар кўрардик,-дея ҳақиқатни гапирди раис. -Биз ҳосилнинг ўзимиз сотишимизга руҳсат берилган қисмини сотмасдан кузга сақлаб қўйдик. Агар июль ёки августда сотганимизда килограммига уч сўмдан ортиқ ололмас эдик. Кузги дон экиш пайтига келиб, айрим хўжаликлар уруғлик излаб изғиб қолишди. Ана шунда ҳар килограммини 7 сўмдан сотдик. Ана шунинг ҳисобига буғдойдан соф фойда кўрдик. Яъни, ҳаражатимиз бир миллион 750 минг 745 сўмни ташкил этгани ҳолда даромадимиз 2 миллион 338 минг 554 сўмга етди ва 637 минг 808 сўм соф фойда олдик. Ҳозир ҳам омборимизда 25 тонна уруғлик буғдой бор. Уни ҳар эҳтимолга қарши сақлаб турибмиз. Агар қаттиқ совуқ майсаларга зарар етказадиган бўлса, уни эрта баҳорда ишлатамиз, бўлмаса уруғлик сифатида бошқа хўжаликларга сотамиз. Албатта, ёздаги ёки қуздаги нархда эмас.

Шундай қилиб, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» деҳқон-фермер уюшмаси 1995 йилда буғдой етиштиришдан пахтага қараганда ҳам кўпроқ соф фойда олди. Бундан руҳланган хўжалик ғаллакорлари 1996 йил ҳосили учун 550 гектар майдонга кузги буғдой экдилар. Яъни, 124 тонна уруғлик дон сепилди. Бу йил қарийб 2 минг 200 тонна буғдой ҳосили олинади. Шунинг бир минг бир юз тоннаси (Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 25-январдаги қарори чиқмасидан олдин 1925 тонна режалаштирилган эди) давлатга топширилади, 150 тоннаси уруғлик учун жамғарилади, қарийб 950 тоннаси эса хўжалик ихтиёрида қолади. Ҳукумат қарори ғаллакорларни руҳлантириб юборганлигини шундан ҳам билса бўладики, улар ўз режаларини қайта кўриб чиқиб, бу йил буғдой ҳосилдорлигини ўртача 40 центнердан оширмоқчи. Демак, даромад ва соф фойда яна ҳам ортади. Соф фойда эса фаровонлик манбаи.

Навоий номли жамоа хўжалигининг ерлари юқорида биз ҳикоя қилган «Ўзбекистон» деҳқон-фермер уюшмасининг ерлари билан туташ. Бироқ иқтисодий жиҳатдан улар бир-бирларидан ер билан осмончалик фарқ қилади. Бири бой, бири камбағал. Камбағалликнинг боиси дангасалик, масъулиятсизлик, ерга ёмон муносабат, ўзибўларчилик. Навоий номли жамоа хўжалигининг идораси Чангтепа деган қишлоқда жойлашган. Кейинги йилларда негадир қишлоқнинг асл деҳқонлари бошини қовуштирадиган одам топилмади. Раиснинг ташкилотчилиги мутлақо сезилмади, Оқибатда улар қўшни туман ва хўжаликлардан ижара ер олиб деҳқончилик қилишга ўрганиб қолишди. Шу тариқа хўжалик иқтисодий инқироздан юз тутди.

Идорада совуқдан жунжикиб ўтирган икки аёл ва икки эркакни учратдик. Аслида хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари жойлашган бинони идора деб ҳам бўлмайди. Нураб турган пастқам уй эгаси ташлаб кетган яроқсиз бинони эслатади. Совуқ, зах, хира ҳоналар, ёмон шароит ҳар қандай чиниққан одамни қасал қилади. Умуман, бу қишлоқда табиий газ ҳам, водопровод тармоғидан келадиган ичимлик сув ҳам, асфальтланган кўча ҳам йўқ экан. Электр симлари 1963 йилда тортилган бўлиб, яроқсизлигидан айрим хонадонларда телевизор кўриш имконини бермайди.

Кейинги 3-4 йилда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг пилладан бошқа барча соҳаси ҳароб бўлибди. Биз асосан дончилик билан қизиқдик. Ўтган йили 190 гектар ерга (шундан 49 гектари лалми ерлар) буғдой экилиб, ҳар гектаридан режадаги 24 центнер ўрнига атиги 8.9 центнердан ҳосил олинибди. Агар алоҳида-алоҳида оладиган бўлсак, суғориладиган ердан 11.5 центнердан, лалми ердан 1,5 центнердан буғдой ҳосили олинибди. «Азаматлар» ҳатто сепилган буғдойни ҳам олишмабди. Туман ва вилоятга маълумот беришда уялишмаганига ҳайрон қоласан киши.

Қишлоқдаги 750 та хонадонда 4167 нафар одам яшаркан. Ана шу аҳоли кучи билан ўтган йили режадаги 460 тонна ўрнига атиги 170 тонна буғдой етиштирилибди. Пахта, маккажўхори дони, қанд лавлаги етиштириш ва бошқа тармоқлар келтираётган зарар ҳақида гапирмай қўяқолайлик. Хўш, аҳвол шу даражада экан, унда 4 мингдан ортиқ аҳоли тирикчилигини қандай ўтказяпти деган савол туғилади?! Биз хўжаликда бўланимизда шу саволни бердик. Ким қаерда, нимани уддаласа, шунинг орқасидан тирикчилик ўтказяпти дейишди. Яхшиямки, Тошкент бозорлари қўпчиликнинг жонига аро киряпти, шу жумладан, мазкур хўжалик аъзоларига ҳам. Ташкилотчилик бўлмаганидан кейин нима қилишсин бечоралар. Лекин ўз ҳолига ташлаб қўйилган ерга ачинасан киши.

Ўтган йили пахта ва буғдой етиштиришга беҳуда сарфланган меҳнат, маблағ, дизел ёнилғиси, минерал ўғит ва уруғликка эссиз кетди. Хўжаликнинг жами майдони бор-йўғи 681 гектар бўлгани ҳолда хўжалик идораси штатида 50 киши тураркан. Бу қўйчивон кўпайгандаги ҳолатни эслатади.

Хўжаликда 1996 йил ҳосилига ҳам етарли замин яратилмаган. Ҳисоботда кўрсатилганига қараганда жами 166,5 гектар ерга кузги буғдой экилибди. Бу ўтган йилги даражадан ҳам анча кам. Ҳатто 49 гектар лалми ерга ҳам кузда уруғ сепилмабди. Ажабо, бунга нима ҳалал берди экан? Энди баҳорда сепамиз дейишяпти. Омборда эса ҳеч вақо йўқ. Бундан буён уруғлик донни топиш ва сотиб олиш жуда мушкул бўлса керак?! Яқинда хўжаликда янги раис сайланибди. Абдураззоқ Оғабеков бу ерга туман агросаноат уюшмасидан келибди. У хўжалик жамоаси олдида ишлаб чиқаришни анча изга солиш бўйича беш банддан ва қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш бўйича тўрт банддан иборат ўз режасини баён қилди. Албатта, режа бошқа-ю иш бошқа. Агар одамларнинг бошини қовуштириб, уларни аниқ мақсадга йўналтира олса, ажабмас, бу йил хўжаликни иқтисодий инқироздан олиб чиқиш йўлида биринчи қадамни босди. Яхшиси, жўжа кузда саналгани маъқул.

Роҳат-фароғатда яшаш учун моддий бойлик яратиш зарур. Қишлоқда бу бойликни деҳқон яратади. шунинг учун қишлоқда турмуш фаровонлигини ошириш яратувчи инсон - деҳқон омилкорлигига боғлиқ.

-Агар одамлар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиб, уларнинг кундалик турмушидан хабардор бўлиб турмасангиз, минг омилкор бўлганингиз билан ҳеч нарсага эриша олмайсиз,-дейди «Ўзбекистон» деҳқон-фермер уюшмаси раиси Солижон Тожиев биз билан суҳбатда.- Биз одамлар қийналиб қолмасин деб қўлимиздан келган ҳамма чора-тадбирларни кўряпмиз. Имкониятга қараб, иш ҳақининг бир қисмини пул билан, бир қисмини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлаяпмиз.

-Вазирлар Маҳкамасининг «1996 йилда бошоқли экинлар дони етиштириш ва харид қилиш ҳажмлари тўғрисида»ги қарори биз учун кутилмаган совға бўлди. Агар шу қарор бўйича ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, бу йил буғдойдан катта даромад қилишимиз аниқ. Қарорда айтилган 40 фоиз аванси ола бошладик. Агар пахтачиликни ҳам қўшсак, сўзсиз, кам-кўстимизни анча бутлаб оламиз. Айниқса, янги ҳарид нархининг бегиланиши деҳқонларимизга ўзгача куч-ғайрат бағишлайди.

Ҳақиқатан ҳам Вазирлар Маҳкамасининг бу қарори ҳамда Президентнинг бошоқли дон экинлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан берган топшириқлари ҳеч бир деҳқонни бефарқ қолдирмайди. Ғафлат уйқусининг вақти ўтди. Бу йил ҳамма Ватаннинг ғалла мустақиллигини таъминлаш вақти келганлигини ҳис этмоқда.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**журналист.**

# ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИДАН КЎНГИЛ ТЎЛАДИМИ?

**Республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларида бир қанча муаммолар қатори аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини чуқур таҳлил қилди. Ҳамда кўп ҳолларда улар иши давр талабига жавоб бермаётганлигини таъкидлаб ўтди. Транспорт хизмати кўрсатиш шулар жумласига киради. Хўш, бу борада Наманган шаҳридаги аҳвол қандай?**

Вилоят касаба уюшмалар кенгаши Президентимизнинг маърузаларида тилга олинган вазифаларни бажариш, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида юзага келган вақтинчалик қийинчиликлар шароитида фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини белгилар экан, бу соҳага алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу масалага бағишланган касаба уюшмалари вилоят кенгаши қарори қай тариқа амалга ошаётганлигини ўрганиш шундай адолат бердики, транспорт хизматини ташкил этиш бўйича бирмунча ишлар қилинган. Чипталарнинг оширилганлиги ҳайдовчиларни сезиларли интизомга туширган. Шаҳар йўналишларининг охирги бекатларидаги навбатчи нозимлар «Намангантранс» бирлашмаси ҳисобига ўтказилиб, ёшлар билан мустаҳкамланган. Аммо шундай бўлишига қарамасдан, барибир, улар самараси кўзга ташланмаяпти. Аҳолидан тушаётган шикоятлар оқими бу борада тартиб ўрнатиш, қатновлар изчиллигини таъминлаш, ҳайдовчиларга талабчанлик, белгиланган графикларга риоя қилиш, юлғувчиликка барҳам бериш бобида тушунтириш ва тарбиявий ишлар етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Бекатларда одамларнинг ортиқча тўпланиб қолиши ҳайдовчиларнинг ўзбошимчалик билан иш тутиши, истаганча йўналишларни ўзгартираётганлиги, ҳоҳлаган жойда ва вақтда машинани тўхтатиб қўйиб чойхўрликка ёки тушликка ўтиришлар, йўловчиларнинг ҳақли эътирозларига қўпол-лик билан жавоб қайтаришлари, патта бермасдан пулни давлат кассаси ўрнига ўз киссаларига уришлари давом этмоқда. Вилоят касаба уюшмалари томонидан тузилган гуруҳ аъзолари январь ойининг биринчи ярмида шаҳар йўналишларидаги аҳволни ўрганиб чиққанларида талай нуқсонлар аниқландики, булардан кўз юмиб ўтиш мумкин эмас.

Чунончи, шаҳар йўналишлари бўйлаб асосан 11- ва 17 - автобус корхоналари хизмат кўрсатади. Лекин турли баҳоналар рўкач қилинган ҳолда кўзда тутилган транспорт воситаларининг кам-кўстсиз ишга чиқишига эришилмаяпти. Чиққанлари ҳам кўпинча бир-икки мартадан кўриниш бериб «қуён» бўлишга интилишяпти. Масалан, «Зарбдор»-«Ғўзал» йўналиши аҳолининг энг қалин яшайдиган ва гавжум қатнайдиган массивларидан. Қачон қараманг, ушбу йўналиш бекатларида йўловчи тўпланади. Сабаби, автобуслар вақтида юрмайди, қатнов жадвалларига риоя қилинмайди. Холбуки, йўналишнинг кун ботишдаги охирги бекатида кўп тармоқли вилоят касалхонаси, ўнлаб маҳаллалар жойлашган. 4 январь куни диспетчер Ж.Турғуновнинг айтишига қараганда 1-рейс «Ғўзал» бекатидан М.Хошимов бошқараётган 54-96 русумли автобус билан соат 7.20 да бошланиб охирги рейси соат 17.50 да тугатган. У.Умрзоқов бошқараётган автобус эса охирги қатновни соат 12.35 да, Э.Зиёвутдинов автобуси 15.40 да, А.Ҳайдаров автобуси эса соат 10.30 даёқ «Ўйингоҳ» бекатидан ўтганича қайтиб келмаган. Демак, бу йўналишда соат 15.40 дан кейин фақат 2 тагина автобус қолган ва улар ҳам соат 17.50 дан сўнг зимзиё бўлишган.

Вилоят шифохонасига зарурат билан келган, бу ердан ишдан қайтаётган, шаҳар марказидаги саноат корхоналари, ташқилот, муассаса ва идоралар ҳамда ўқув юртларидан уйга қатнайдиган қанчадан-қанча одамлар автобус кутиб сарсону саргардон. Аслида, ушбу йўналиш бўйича йўловчиларга қулайлик яратиш учун эрталабданоқ 2 та автобусни иккала тарафга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Негаки, ҳар икки жойдан шаҳарга ишга келадиганлар транспорт кутиш ташвишидан қутилишмаяпти.

«Ғўзал»-«Ҳамза» йўналиши бўйича биркитилган транспорт воситалари ишида ҳам шундай камчиликларни кузатиш мумкин. Бу ерда ҳам автобусларнинг қатнов жадвалига риоя қилмаслиги, ҳайдовчиларнинг хоҳлаганларича иш тутишлиги, кўнгиллари тусаган маҳалда автобус чамбарагини автосаройга ёки «ёғлироқ» тарафга буришлари оддий воқеага айланиб қолмоқда. Масалан, ўша куни (4 январда) И.Абдуқосимов бошқараётган 83-13 русумли автобус соат 7 да «Ўйингоҳ» бекатига келган ва шу кўйи қайта кўринмаган. Ш.Мухитдинов бошқарган 63-20 русумли автобус ҳам ишни соат 15-16 даёқ тугатиб қўя қолган. Ёки «Орзу»-«Чорсу» йўналишини олинг. Биз сўз юритаётган кунда 40-52 русумли автобус «Спартак» ўйингоҳи бекатида эрталаб соат 9.25 да ва кечқурун соат 17.53 да пайдо бўлган холос. Қолган вақтда қаерда юрганлигини балки автобус саройи раҳбарлари айтиб беришар? Афсуски, автобусларнинг қатнов жадвалларига риоя этишларини назорат қилиш вазифаси зиммаларига юклатилган диспетчерларнинг бу ўзибўларчиликларга парволари палак.

Кейинги пайтларда аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт воситаларида пайдо бўлаётган «штатсиз кондукторлар» ҳаракатини кўриб бошингиз қотади. Қўлида ҳеч қандай хужжати йўқ, автосарой раҳбарлари танимайдиган фақат ҳайдовчилар ёллаб ишлатаётган «мардикорлар» фаолиятини тартибга туширишнинг кези келмадимикан! Балки уларни чиндан ҳам қонуний расмийлаштириш керакдир. Чунки фақат пул йиғиштириш билан шуғулланиши, патта беришни кўпинча ҳаёлларига келтирмаслиги, давлат кассасигагина зиён келтириб қолмасдан кишининг ғашига тегади, кўпчилик кўз ўнгида қонунбузарликни келтириб чиқармоқда.

Шаҳар троллейбуслар бошқармасига қарашли транспорт воситалари фаолиятида ҳам хато-камчиликлар етарли. 4.5 ва 9 январь кунлари ўтказилган текширишлар шундан далолат бердики, бу соҳада ҳам ҳаракат жадваллари қоғозда қолиб кетяпти. Айниқса, бу борада 1-сон деб юритилувчи «Тахта-кўприк»-«аэропорт» йўналиши ишидан йўловчилар норозилиги пасаймаяпти. Мисолларга мурожаат қиламиз: 4 январь куни ушбу йўналиш бўйича чиқарилган 10 та машинадан 3 таси кимнингдир кўрсатмаси билан бошқа ёққа ўтказиб юборилган. Қолган 3 таси биттадан, 3 таси 2 тадан, 3 таси 3 тадан, 2 таси 4 тадан қатнаган холос. Бекатларда йўловчилар махтал бўлиб қолишлиги, машиналарнинг тирбандлиги, асаблар таранглашишлиги сабабини энди тушунгандирсиз!

Бундай қабилдаги камчиликларни 2-,3-,4- йўналишларда ҳам учратиш мумкин. Троллейбуслар қатновида мунтазамлик йўқ. Айрим ҳолларда ҳар 2,3,5 минутда келса, гоҳо, ярим соатлаб ҳам «қораси»ни кўрсатмайди. Кейинги пайтларда бу соҳада ҳам кондукторлик учун «мардикор» олиш урчимоқда. Уларнинг асосий иши орқа ва ўрта эшикларини тўғондек тўсиб пул йиғиштириш.

Шаҳар транспорт воситаларининг бенуқсон ишлаши, ҳайдовчиларнинг ўз вазифаларига виждонан муносабатда бўлиши халқ хўжалиги ҳамда бошқа соҳаларда белгиланган режа ва топшириқларни муваффақиятли уддалаш, бугунги иқтисодий бўҳронга тезроқ барҳам бериш ва фаровонликка эришиши ҳамда энг муҳими, ассаббузарликларнинг олдини олиш гарови эканлигини «Намангантранс» бирлашмаси ва шаҳар троллейбуслар бошқармаси раҳбарлари унутмасликларини истардик.

**Жўражон ВОХИДОВ,**
**Наманган вилояти касаба уюшмалар кенгаши фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш бўлимининг мудири.**
**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида бу масала атрофлича кўриб чиқилди. Унда иштирок этган «Намангантранс» ва Транспортхўжаликларининг раҳбарлари вилоят касаба уюшмалари кенгаши текширув гуруҳлари томонидан аниқланган ҳато ва камчиликларнинг тўғри эканлигини тан олдилар. Текширув натижалари автокорхоналар жамоаларининг йиғилишида ҳам атрофлича кўриб чиқиладиган ҳамда уларни тез кун ичида бартараф этиш бўйича тегишли тадбир белгиланадиган бўлди.**

## Касаба уюшмаларида АМАЛИЙ РУҲДА

Куни кеча савдо, умумий овқатланиш, матбулот кооперацияси ва турли шаклдаги тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитасининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашда «Тармоқ корхона ва ташкилотларида 1996 йилги жамоа шартномалари ва битимларини тузиш ҳақида» Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш ва экология бўлими мудири Қ. Қ. Дадабоев, «Янги меҳнат кодекси ва ундаги янгиликлар тўғрисида» шаҳар касаба уюшмалари кенгаши меҳнаткашларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими мудири А. С. Тўйчибоев маъруза қилдилар ҳамда йиғилганларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтардилар.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ.**

## ПАРҲЕЗ ТАОМЛАР ОШХОНАСИ

Самарқанд вилояти мебель саноати, коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги «Вилоят маиший хизмат техникасини таъмирлаш» бирлашмаси биринчи бўлиб янги ишга қўл урди. Бирлашма бош директори Карим Ҳалилов касаба уюшмаси қўмитаси раиси Асрор Ҳамроев таклифи ва ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида 80 ўринли ошхона очилиб, деярли унутилаёзган миллий парҳез таомлар — юпқа, қатлама, кади пичак, кади манти, гўжа, шунингдек, ҳали кенг тарқалмаган мошкичири ва кўк пичак, бошқа ноз-неъматлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бу ерга келувчи ҳўррандалар кун сайин кўпаймоқда. Ошхонадан олинадиган соф фойданинг муайян қисмини корхона ходимларига моддий ёрдам кўрсатишга сарфлаш режалаштирилган.

**А. МУРТАЗОЕВ.**

## МАСЛАҲАТ КЕНГАШ

Фарғона вилояти касаба уюшмалари кенгашида жамоа шартномалари тузишда янги талаб ва вазифалар ҳусусида касаба уюшма қўмиталари ходимлари ва фаолларининг маслаҳат кенгаши бўлиб ўтди. Жами 250 киши иштирок этган бу тадбирда 1995 йил учун касаба уюшма қўмиталари ва жамоа хўжаликлари ўртасида тузилган жамоа шартномаларининг бажарилиши ҳамда 1996 йилда шундай шартнома тузишнинг ўзига ҳос хусусиятлари ҳақидаги, уларга меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги масалаларини акс эттириш, янги Меҳнат кодекси талаблари асосида иш кўриш тўғрисидаги мутахассисларнинг таҳлилий маърузалари тингланди.

Маслаҳатлашув кенгаши сўнгида жамоа шартномаларини тузишга доир кўпгина саволларга муфассал жавоблар берилди.

**А.ТЎХТАСИНОВ.**

# «ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН»

Манзиллар, қишлоқлар йўл четида саф тортиб турган дарахтлар бирин-кетин ортда қолаяпти. Бекатларда умидвор кўзларини узоқдан келаётган автобусга тикиб турган йўловчилар тарадддуланиб, автобусга қўл кутарадилар. Бекатга келиб тўхтаган автобус эшиги очилгач, манзилга етган кишилар рахмат айтиб, тушиб кетишади, ошиқиб турган йўловчилар шошилиб автобус ичидан жой оладилар.

Автобус ичи доимо одамлар билан гавжум бўлади. Бир кунда неча юзлаб кишилар ўз манзилларига етиб оладилар. Ана шу одамларни манзилига соғ-омон етказиб қўядиган сергак, меҳнаткаш кишиларга ҳар доим «Йўлингиз бехатар бўлсин!» деймиз.

Ана шундай машаққатли ва шарафли касб эгаларидан бири Бука автобус такси паркининг ҳайдовчиси Махмуд Мансуровдир. У 1967 йилдан буён Бука тумани марказидаги Автобус такси саройида ҳайдовчи бўлиб ишлаб келаяпти. Аввал яқин масофалар, кейинчалик «Бука — Чуст» йўналиши, кейинчалик, мана 27 йилдирки, Махмуд ака Бука туманининг 90 минг кишилик, Пискент туманининг икки хўжалигидаги ун мингдан ортиқ кишиларни пойтахтимиз Тошкент шаҳрига олиб бориб, олиб келаяпти. Унинг ўтган йиллар мобайнидаги бехатар босиб ўтган километрларини, ташиган йўловчиларини ҳисоблайдиган бўлсангиз жуда катта рақамлар пайдо бўлади.

Шу йиллар ичида Махмуд ака бирон марта йўл қоидасини бузмади, сабаби ҳар сафар ушлаб йўловчиларнинг ҳаёти ана шу рулни бошқариб кетаётган кишига боғлиқ бўлади. Энг муҳими — йўловчилар доимо «Раҳмат шопир!» деб кетишади.

Махмуд Мансуров иш куни охирида уйига шошилади. Уйда уни олти болани биргаликда тарбиялаб, вояга етказаётган турмуш ўртоғи Тожихол опа, фарзандлари Клара, Ислом, Анвар, Гулчеҳра, Нигора, Ҳилолалар кутади. Бу оила даврасига янада қувноқлик киритаётган неваралар Умид, Омон, Облоёрлар бобосарига талашиб ўтиришади.

Қувноқ хонадондан яхши кайфият билан эрталаб ишга отланган Махмуд ака кун буйи йўловчиларга очиқ кўнгил билан муомалада бўлади, кўпчилик тилак билдирганидай йўллари бехатар бўлади.

**Темур ҲАЙДАРОВ,**
**Суратда: Махмуд Мансуров йўлга отланаяпти.**



## Бозор муносабатлари - янги босқичда

# ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

*Бозор иқтисодиёти муносабатлари ҳаётимизга сингиб борар экан «қимматли қоғозлар» деган сўзлар қулоғимизга тез-тез чалинадиган бўлиб қолди.*

Кейинги вақтларда қимматли қоғозлар тўғрисидаги масалага Ўзбекистон Олий Мажлиси сессияси материалларида, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, Олий Мажлиснинг 4-чи сессиясида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов нутқида бу масалага кенг ўрин берилди. Президентимиз нутқида баён қилинган фикр ва хулосалар бу масалага янгича руҳ бағишлади, қимматли қоғозлар бозорини шакллантиришни жадаллаштиришда кучли туртки бўлди. Республикада қимматли қоғозлар росмана бозорини вужудга келтириш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди.

Хўш, қимматли қоғозлар ўзи нима?

Қимматли қоғозлар (улар жумласига акция, облигация, сертификат, вексель, чек, лотерея билети ва бошқалар киради) - бозор иқтисодиётининг муҳим элементларидан биридир. Қимматли қоғозлар бозори эса капитал бозорининг таркибий қисми ҳисобланади. Улар тижорат маблағи бўлиб, ўз эгасига маълум миқдорда даромад ҳам келтиради. Қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш орқали корхоналар ҳамда аҳолининг бўш турган пул маблағларидан ижтимоий ишлаб чиқариш мақсадида самарали фойдаланиш имкони туғилади, бу эса миллий валютасўмнинг барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Қимматли қоғозлар (акциялар) оиланинг изчил даромад манбаи ҳамдир. Чунки акция эгаларига дивиденд тариқасида даромад келади, ёки акцияни сотишдан ҳам фойда олиш мумкин. Акциялар бўйича даромад нақд пул товар-маҳсулот шаклида ёки имтиёзли акция холатида ҳам олиниши мумкин.

Акция эгалари акционер корхоналар (жамиятлар) хизматларидан ҳам кенг фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Қимматли қоғоз аслида мулкка эгалик қилишнинг бир кўриниши, унинг кенг алоҳида ўзига хос шакли ҳамдир. Қимматли қоғоз эгалари мулкдорлар сафини кенгайтиради ҳамда мамлакатимизда мулкдорлар табақасини шакллантиришнинг манбаи ҳисобланади. Акция эгалари корхоналарни бошқариш жараёнига фаолроқ аралашадилар, уни самарали юритишга қизиқадилар, чунки улар оладиган даромад-дивиденд корхона ютуқларига боғлиқ.

Демак, қимматли қоғозлар мулкий муносабатларни, бошқарувни демократиялаш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилар экан. Улар булардан ташқари инфляция юз берадиган ҳолатларда, пулингизни инфляциядан (қадрсизланишдан) сақлашнинг маъқул чораси ҳамдир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қимматли қоғозларнинг иқтисодиётдаги, ислоҳотларни тезлаштиришдаги аҳамияти каттадир.

Уларни сотиб олишга пул сарфлаш - бу инвестициялашнинг бир кўриниши, шакли ҳамдир. Ҳар қандай инвестиция шакли, жумладан, қимматбаҳо қоғозларга пул сарфлаш ҳам маълум таваккалчиликни тақозо этади.

Ҳар бир киши ўзининг бўш пул маблағини нимага сарфлаши, қимматли қоғозларнинг қайси турини сотиб олишида аввал ўз олдига аниқ мақсад қўяди. Қимматли қоғоз-акция сотиб олувчилар нималарга эътибор бериши лозим?

У таваккал қилишдан ташқари (чунки олдиндан пул инфляцияси даражасини ва дивиденднинг реал миқдорини аниқ билиш қийин) акцияни қайси хилини оддий ёки имтиёзлигини олишини ҳал қилиши керак. Одатда имтиёзли акция олиш имкони камроқ бўлади, чунки у озроқ миқдорда чиқарилади ва тез сотилиб кетади. Ундан сўнг акция чиқарган корхонанинг иқтисодий-молиявий аҳволи, унинг истиқболи қандайлиги билан танишиб чиқиши фойдалидир. Ушбу корхона қайси тармоқ таркибига киради ва умуман бу тармоқнинг аҳволи, ривожланиш истиқболи билан ҳам қизиқиш керак бўлади.

Акциялар билан савдо қилувчи фонд биржасининг брокерлик идораси мутахассислари билан маслаҳатлашиши фойдадан ҳоли эмас. Булар ҳаммаси сиз пулингизни ишончли жойга қўйишингизни ва ўз мақсадингизга эришишингизни таъминлайди.

Қимматли қоғозлар олди-сотдиси амалга ошириладиган маҳсус жой-қимматли қоғозлар бозоридир. Бу бозор амалиётда - фонд биржалари, аукционлар ва банклардан иборатдир. Қимматли қоғозлар бозори ўзига хос бир турдаги бозор бўлиб, ўз қонун-қоидалари асосида фаолият кўрсатади. Бу бозорда сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги муносабатларда брокерлар (даллоллар) воситачилик қиладилар. Брокерлар махсус билим ва кўникмаларга эга бўлган, шу фаолият билан шуғулланишга руҳсат олган кишилардир.

Қимматли қоғозлар бозорида - фонд биржасида «котировка» деган тушунча бор. Муштарийлар билиб қўйишлари зарурки, агар қимматли қоғозлар-акция котировка қилинади, дейилса, бу қимматли қоғоз эркин сотилади ва сотиб олинади, қайта сотиш имконияти мавжуд деганидир. Бундай ҳолатда қимматли қоғоз чиқарувчи-эмитент билан қимматли қоғоз эгаси - инвестор ўртасидаги ҳақиқий демократик ўзаро муносабатлар юзага келади. Қимматли қоғоз эгаси ўз шахсий капиталидан тасарруф этиш бўйича тўла эркинликка эга бўлади.

Қимматли қоғозлар бозорида акциялар қандай нарх билан сотилиши масаласи ҳам кўпчиликни қизиқтиради. Маълумки, акцияларнинг номинал қиймати бўлади, масалан, 100 сўм, 500,1000 сўм ва ҳоказо. Уларнинг бозор нархи (курси) ҳам бўлади ва у фоиз биржасида амалга оширилади. Акциянинг бозор нархи ҳар қандай бошқа товар нархи сингари талаб ва таклиф асосида белгиланади. Бу нарх (курс) уч омилга боғлиқ:

1.Акциянинг номинал қиймати.

2.Дивиденд даражаси.

3.Банк проценти даражаси.

Масалан, 100 сўмлик акциянинг бозор нархи дивиденд даражаси 10 фоиз, банк проценти 5 фоиз бўлса -200 сўм бўлади. 100x10:2=(200) Акция курсига мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-руҳий омиллар ҳам таъсир қилиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозори шаклланишида 1993 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши муҳим босқич бўлди. 1995 йили июнь ва сентябрь ойларида

*Маълумки, Олий Мажлисининг 1995 йил декабрда бўлган IV сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси қабул қилинган эди. Унинг IV боби бозор шароитида жамоа шартномалари ва битимлари тузиш масаласига бағишланган.*

*Шу муносабат билан тахририят республика касаба уюшмалари Федерацияси ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар бўлими мудири Р. АБДУҚАЮМОВга мурожаат этиб, янги меҳнат қонунини амалга ошириш юзасидан касаба уюшма фаоллари олдида турган вазифалар, жамоа шартномаларини тайёрлаш ҳамда тузиш тартиби ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.*

# ЯНГИ ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

*Сўраган эдингиз...*

— Меҳнат Кодексида баён қилинган асосий қоидалар ва норматив актлар, энг аввало, меҳнаткашларнинг ижтимоий-зарурий ҳуқуқ ҳамда кафолатларини кўзда тутади. Зеро, меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ишчи-хизматчилар турмуш даражасини яхшилаш учун корхона, ташкилот ва муассасаларнинг молиявий имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш ҳозирги кундаги муҳим масалалардан биридир. Жамоа шартномаси мулк шаклидан ва одамлар сонидан қатъий назар, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган барча ташкилотларда тузилиши мумкин.

Шуни айтиш жоизки, шартнома жамоа аъзолари йиғилишида (конференцияси)да тасдиқланиб, ташкилот раҳбари ва касабақўм раиси ёки ваколати унга тенглаштирилган вакил томонидан имзолангандан кейингина норматив-мажбурият кучига киради. Жамоа шартномасини иш берувчи билан ёлланма меҳнат кишисини таклиф этувчи ва унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмаси ўртасидаги музокаралар асосида тузишнинг аҳамияти катта. Бундан кўзланган мақсад — ташкилот фаолиятини тўғри йўналтириш, меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳаётий эҳтиёжларини ҳимоя қилиш, уларга курсатиладиган тиббий ҳамда маданий хизмат даражасини ошириш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш юзасидан биргаликда мақбул ечимлар ишлаб чиқишдан иборат.

Музокаралар узаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик асосида олиб борилади. Бунда реал молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятлари, қабул қилинган мажбуриятлар учун томонларнинг жавобгарлиги эътибордан соқит қилинмаслиги лозим. Узаро ва алоҳида олинган мажбуриятлар муҳокама қилинар экан, бир йўла жамоа шартномаси тузиш ва уни бажариш аъмоли, эҳтимол тутилган турли қарашларга изн бериш тартиби ҳам кўриб чиқилади. Музокараларни иш берувчи сифатида ташкилот раҳбари ёки ваколати унга тенглаштирилган вакил, касаба уюшма томонидан касабақўм раиси олиб борадилар. Ҳар икки тарафдан баравар вакиллардан иборат комиссия тузилади. Овоз бериш чоғида томонлар тенг бўлинмаслиги учун вакиллар сони тоқ (камида уч киши) бўлиши лозим. Комиссиялар таркиби биргаликда қабул қилинган қарор асосида тасдиқланади.

Томонлар ўз вакилларининг манфаатини кўзлаб, музокаралар чоғида уларнинг иш ўрнини, ойлик маошини, меҳнат ва ижтимоий имтиёзларини сақлаб қолиш мажбуриятини оладилар. Янги жамоа шартномаси тузишга бағишланган музокаларни бошлаш учун томонлардан бирининг ёзма ҳолдаги талабномаси асос бўлиб хизмат қилади. Бу талабнома амалдаги шартнома муддати тугашидан уч ой олдин тақдим этилиши лозим. Тайёргарлик жараёнида шахсий суров йўли билан ходимларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ўрганиш, мажлис қарорлари билан чуқур танишиш, ташкилотнинг хўжалик фаолияти ва молиявий аҳволини таҳлил қилиш талаб этилади. Бу музокараларда муваффақиятга эришишнинг муҳим шартларидан биридир.

Музокара жараёнлари босқичма-босқич ўтказилиб, унинг иш тартиби турли хил таклифлар, талаблар, муқобил вариантлар муҳокама қилинадиган комиссиялар йиғилишида тасдиқланади.

Энг асосийси, тузилган жамоа шартномасида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларига оид мажбуриятлар, амалий таклифлар ўз ифодасини топиши лозим. Бу эса жойлардаги касаба уюшмаларининг фаоллиги, масъулият билан иш юритишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Белгиланган масалалар юзасидан бир тўхтамга келингач, комиссия меҳнат шартномаси лойиҳасини қиёмига етказиш учун ишга киришади. Шартнома ташкилотнинг таркибий бўлинмаларида атрофлича ўрганиб чиқилгандан сўнг билдирилган таклиф ва эътирозлар ҳисобга олинган ҳолда, меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) муҳокамасига қўйилади. Йиғилиш аҳли томонидан маъқулланган шартнома уч кун муддат ичида икки томонлама имзоланиши керак. Ана шундагина у юридик кучга эга бўлади.

Бизнингча, жамоа шартномасини қуйидаги муҳим масалалар асосида тузиш мақсадга мувофиқдир:

### УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- Иқтисодий ишлаб чиқариш фаолияти.
- Мулк шаклининг ўзгариши (хусусийлаштириш),
- Иш ҳақи,
- Бандлик хизмати.
- Меҳнат ва дам олиш тартиби.
- Меҳнат муҳофазаси.

Маиший хизмат, қўшимча ижтимоий суғурта, тиббий хизмат, дам олиш ва даволанишни ташкил этиш соҳасида корхона ёки муассасанинг моливий имкониятлари, шунингдек касабақўмнинг нақд пул жамғармаси ҳисобга олиниши лозим, албатта. Жисмоний тарбия, оммавий спорт, соғломлаштириш масаласини жамоа шартномасига алоҳида бир бўлим қилиб киритиш айни муддаодир. Унинг якунловчи қисмида касабақўм ва касаба уюшма ходимлари фаолиятига оид қуйидаги ҳуқуқий кафолатлар акс эттирилиши лозим:

- Касаба уюшма қўмитасини меҳнат жамоасининг ягона ва бирдан бир ваколатли вакили сифатида эътироф этиш;
- ташкилот кенгаши ҳамда хусусийлаштириш бўйича комиссия таркибида касабақўм раисининг ҳал қилувчи овозга эгалиги;
- ташкилот низомини ишлаб чиқишда касабақўм билан ҳамкорлик қилиш;
- озод этилган касаба уюшма ходимлари учун корхона мулкига эгалик ҳуқуқининг дахлсизлиги;
- меҳнаткашлар манфаатига хизмат қилувчи иқтисодий ва тижорат ахборотларининг ошкоралигини таъминлаш;
- ишдан ажралмаган ходимларга уларнинг касаба уюшма тизимидаги фаолияти учун иш ҳақи тўлаш;
- озод қилинган касаба уюшма ходимларининг ташкилотдаги асосий персонал учун мўлжалланган барча имтиёзлар, моддий ва маънавий воситалардан тенг асосларда фойдаланиш ҳуқуқи;
- касабақўм фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароит (бино, транспорт, алоқа ва ҳоказо) яратиш;
- тегишли бадал пулларини ташкилот бухгалтерияси орқали мунтазам ўтказиб туришни таъминлаш.

Шундай қилиб, ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва имзоланган жамоа шартномаси белгиланган муддат давомида — агар томонлар янгисини тузишмаса — ўз моҳиятини йўқотмайди. Ташкилот раҳбариятининг алмашуви, тегишли ном, таркиб, тузилманинг ўзгаруви шартнома тақдирига бирон бир таъсир кўрсатмайди. Фақат бир ҳолат бундан мустасно. Корхонада мулк эгаси ўзгаргудек бўлса, шартнома олти ой муддат ичида қайтадан тузилиши керак. Агар томонлардан бирортаси музокара бошлаш ташаббуси билан чиқмаса, жамоа шартномаси белгиланган муддат давомида ўз фаолиятини тўхтатган ҳисобланади.



Медицина фанлари доктори Омонбой Ешанов ўз умрини кишилар ҳаётини сақлаб қолишга бағишлади. У Қорақалпоғистон Республикасининг I-сонли касалхонасида ҳамкасблари билан ҳамкорликда жарроҳлик ишининг мураккаб — қонсиз кесиш усулларини амалга оширмоқда. Ўт пуфаги, буйрак, ичак касалликларини даволашда, ошқозондаги яраларни жарроҳлик йўли билан олиб ташлашда ишни қон чиқармасдан амалга ошириш эса ҳар жиҳатдан самаралидир.

**Суратларда: Қорақалпоғистоннинг энг ёш тиббиёт фанлари доктори Омонбой Ешанов.**

**А. МУРОТОВ олган сурат.**

## Асаб ва инсон

**Одамларнинг кўпчилиги ҳаётда учрайдиган қийин руҳий ҳолатларга (стрессга) тушиб қолганларида ўзларини қандай тутишларини, руҳий зарбаларга қандай бардош бериш мумкинлигини билишни истайдилар.**

**Инсон ўз кундалик воқелигида ҳар лаҳза ё қувонади ё нимадандир ҳафа бўлади. Бу унинг руҳиятига ҳам, жисмига ҳам таъсир қилади. Руҳни тузатмасдан вужуддаги ҳасталикни тузатиб бўлмайди деган ибора бор.**

**Демак, хасталик нима, руҳият нима, шукроналик нима, уларнинг ўртасида қандай боғланиш бор ва бошқа бир қатор масалалар тўғрисида газетхонларни таништириб бориш жараёнида уларни руҳий тарбияга ўргатиб, қатор ноҳушликларнинг олдини олиш мақсадида янги руки ташкил қилдик.**

**Ушбу рукида таниқли шифокорлар, руҳшунослар, файласуфлар, ижтимоиёт олимлари ўз кузатишлари, илмий-амалий фаолиятлари давомида орттирган бой тажрибалари асосида мураккаб турмуш шароитларида юзага келадиган турли вазиятларда инсон ўзини қандай тутиши кераклиги, бир-бирини ноўрин ранжитмаслик ҳамда ўзининг ва бошқаларнинг асабларини қандай эҳтиётлаш чоралари ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар, қимматли тавсиялар берадилар. Ҳаётингизнинг серзавқ, хушчақчақ ва мазмунли кечишига кўмаклашиш, ҳар биримизда комил инсонга хос фазилатларни шакллантиришга хизмат қилиш эзгу ниятимиз. Таҳририятимизга келган мактубга тиббиёт фанлари номзоди Абдукарим Усмонхўжаев жавоб беради.**

## «ЁЛҒИЗМАНМИ МЕН?»

***«Ишонч»! Мен куни кеча топинган, севган кишимдан жудо бўлдим. Аниқроғи у мени ташлаб, бошқа билан кетди. Мен ўзимни камситилган, ҳеч кимга керак эмасдек ҳис этаётирман. Нима қилай?***

**Сенга ипониб дардини ёзган сирдарёлик Н.»**

-Азиз Н! Айни кунлар Сен ўзингни ҳурланган, камситилган, иззат-нафсинг, ғуруринг топталгандай сезаяпсан. Қалбингда ҳеч бир одамга керак эмаслик дарди ёнаётир. Сен эҳтимол қариндош-уруғларингни, ҳамкасбларингни ҳам эслаб, унинг урнини босолмаслигидан ўртанарсан - «ҳеч кимга керак эмасман» деган ҳиссиёт вужудингга сингиб кетган. Бу оғир дардлардан бўлмиш ёлғизлик стрессидир.

Сен яккаланиб қолдинг, танҳосан. Демак, бу танҳолик барча ташқи таъсирлардан: нур, товуш, сезувчанлик кабилардан ҳам ҳоли бўлишни тақозо этади. Бундай ҳолдаги одамни махсус ванналарда бир неча соат ўтказиб тажриба қилиб кўришган. Фараз этайлик, тажриба ўтказилаётган хонада Сенсан. Микрофон ҳам ўрнатилган, агар бирор суз-овоз эшитилса, тажриба дарҳол тўхтатилади. Соатлаб ёлғиз қолганингда нур, товуш, одам овози, автомобиль товуши, учиб ўтаётган самолёт овози яъни ҳаёт бахш этадиган товушлар, ер-ер ёлғиз импульслари ва одамга тириклигидан дарак берувчи жуда кўп ҳодисалардан маҳрум бўлиш нақадар оғир ва даҳшатли, эканлигини ҳис этганингдагина бехосдан гапириб юборасан, ва тажриба тўхтатилади. Демак, сен танҳо қололмайсан!

Сенинг ҳаётингда деярли ҳеч қандай ғалати ҳодиса, фожиа рўй бермади. Сенинг суюклигинг суйгани билан кетди. Ахир, сен севган кишингга фақат яхши кунларни тилайсанку, бахтли бўлишини озор чекмаслигини истайсан-ку!

Атрофингга қара, кимдир Сенга мунтоқ, интизордир, балки, озгина диққат қилиб кўр, Сенга зорлар бордир, пойингга гуллар тўшагувчи, ер-ер оламда фақат Сени деганчи бордир... У бор, У келади, У ёнингдаги. Қуйидаги сўзларни такрорлаб юриш фойдалидир.

***Мен ёлғиз эмасман...***
***Мен ҳаммага керакман,***
***Мен хонадонда, ишхонада, дўстларим даврасида керакман,***
***Мен ёлғиз эмасман...***
***Дўстлар билан учрашиш роҳат бахш этади...***

***Мени уйда кутишади,***
***Кимдир менга зор, У келади...***
***Мен керакман.***

## Халқаро шарҳ

# ФАЛАСТИН МУХТОРИЯТИ: ИЛК САЙЛОВЛАР

1996 йил жабрдийда Фаластин халқи учун яхши бошланди. 20 январь куни Фаластин мухторияти тарихида биринчи эркин демократик сайловлар бўлиб ўтди. Унда руйхатга олинган бир миллион нафардан зиёдроқ сайловчиларнинг 70 фоизидан кўпроғи иштирок этди.

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари ва халқаро ташкилотлардан келган 650 кузатувчи сайловларнинг қонун ва демократик тамойилларга тўла риоя қилинган тарзда ўтганлигини қайд қилди. Бир-икки жузъий камчиликларни ҳисобга олмаганда, тартиб-интизом сайлов куни бузилмади. Фаластинликлар шу куни ўзларининг миллий уйғониш, тинчлик ва демократия ғояларига содиқликларини, ўз йўлбошчиларининг сиёсий йўлини қўллаб-қувватлаётганликларини намойиш этдилар.

Фаластин араб халқи бу кунга етиш учун 30 йилдан зиёд вақт ичида жуда қаттиқ, ҳаттоки, қўлига қурол олиб қурашди. Шу йиллар ичида у катта қурбонлар берди, кўп машаққатларни бошдан кечирди.

Фаластинликлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг икки мустақил давлат — араб ва яҳудий давлатларини тузиш тўғрисидаги қарорига зид равишда Фаластин давлатларини вужудга келтиришга тўсқинлик қилганлигига қарши, ўз она ерлари бўлмиш Ўрдан дарёсининг Ғарбий қирғоғи, Ғазо минтақаси ва Қуддус шаҳрининг шимолий қисми босиб олинишига қарши, босқинчилар қўли остидаги ерларда инсоний ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинганлигига қарши бетўхтоб курашдилар, дўқ-пуписа, террор, турли-туман қийинчиликлар олдида тиз чўкмадилар. Юзлаб, минглаб Фаластин фарзандлари ватан, миллат, эрк учун жонларини тикдилар.

Бу йўлда Фаластин халқи ўзининг озодлиги учун курашдан толмаслигини, ҳеч қачон чекинмаслигини намойиш қилган бўлса-да, у қурол кучи билан пировард мақсадига эришмажагини идрок эта бошлади. Айтиш мумкинки, Исроилнинг марҳум генерали Исҳоқ Рабин ва бошқа раҳбарлари ҳам фаластинликларнинг ўз озодлиги учун истак-иродасини синдириш мумкин эмаслигини англадилар. Натижада, кўп қаршиликларга қарамай, кураш дипломатия ўзанларига кўчирилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, АҚШ, Россия ва Миср Араб жумҳурияти ҳукуматларининг васийлигида Мадрид, Нью-Йорк, Қоҳира ва бошқа шаҳарларда олиб борилган мулоқот ва музокаралар ўз натижасини берди. Тель-Авив ҳукмдорлари Исроил мустақил Фаластин давлат билан тинч-тотув яшаши лозимлигини тушунган бўлсалар, Фаластин озодлик ҳаракатида соғлом кучлар миллий мустақил давлатни бунёд этиш йўлида даставвал мухторият жорий этишга рози бўлиш лозимлигини идрок этдилар. 1993 йил Осло шаҳрида Исроил ҳукумати ва Фаластин озодлик ҳаракати ташкилоти раҳбарияти бу ҳақда битим тўзилган ва уни босқичма-босқич рўёбга чиқаришга киришдилар.

Ушандан буён ўтган вақт ичида Исроил босиб олган Ўрдон дарёси ғарбий қирғоғи ва Ғазо минтақасидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетди, бу ерлардаги унинг полициячилари ўрнини фаластинлик миршаблар эгалладилар. Мухторият ҳудудидаги барча шаҳар ва туманларда Фаластин маъмурияти жорий этилди.

Навбат мухториятнинг қонун чиқарувчи давлат идораси — Миллий Кенгашни ҳамда мухториятнинг ҳукуматини шакллантириш, миллий маъмурият раҳбарини сайлашга етди. Йигирманчи январь сайловлари шу мақсадда ўтказилди.

Сайловларга Исроил кнессети, яъни парламенти Ўрдон дарёси ғарбий қирғоғини ҳам мухториятнинг ҳудудий тузилмасига қўшиш тўғрисидаги Фаластин ташкилоти билан тузилган битимни расман маъқуллаб, Ушбу ҳужжат Шарқий Қуддусда истиқомат қилувчи арабларга сайловларда қатнашиш ҳуқуқини берди. Фаластин Миллий Кенгашидаги 88 ўринга 700 та яқин номзод кўрсатилди. Фаластин Мухторияти бошлиғи лавозимига номзод этиб кўрсатилган Фаластин миллий озодлик ҳаракатининг раҳбари Ясир Арафатга Исроил билан тузилган тинчлик битимларини тан олмаган, Ал-Бира шаҳридаги Оилани тиклаш жамияти рабҳари, 73 яшар Самиҳа Халил қарши турди.

Сайловлардан анча олдин ўтказилган жамоатчилик суровлари ушбу сиёсий мусобақада 50-йиллардан буён фаластинликларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашга раҳнамолик қилаётган Фаластин озодлик ташкилоти, аниқроқ айтадиган бўлсак, мазкур бирлашманинг етакчи кучи — «ФАТҲ» ташкилоти ва унинг раҳбари Ясир Арафатнинг ишончли ғалаба қозонишини башорат қилган эдилар. Ҳақиқатда ҳам «ФАТҲ» номзодлари мухториятнинг парламентидаги барча ўринларнинг ўндан икки қисмига эга бўладилар. Ясир Арафат эса овоз беришда қатнашган сайловчилар барча овозларининг 88 фоизини олишга муваффақ бўлди. Қонунга кўра янги сайланган парламент аъзолари Фаластин мухторияти ҳукумати таркибининг 80 фоизини ўз ораларидан сайлашлари, қолганларни Миллий маъмурият бошлиғи тайинлаши керак.

Исроил қўшинлари олиб кетилмаган Шарқий Қуддусдагина сайловчиларнинг ярмидан ози овоз беришда қатнашди, холос. Сайловлар жараёнини кузатган АҚШ собиқ президенти Жимми Картернинг айтишича, Исроил маъмурлари Қуддуснинг шарқий қисмида террор муҳитини ўрнатдилар. Лекин, барибир Фаластин тарихида биринчи сайловлар муваффақиятли бўлди.

Исроил бош вазири Шимон Перес айтганидек, сайловларнинг бош сиёсий натижаси фаластинликлар Исроил билан ярашиш тўғрисидаги битимларни қўллаб-қувватлашаётганликларини намойиш этди. Ясир Арафат ўз навбатида сайловлар Фаластин миллий давлатчилиги йўлидаги ҳал қилувчи қадам бўлди, деб таъкидлади. Албатта, мазкур сайлов бу йўлдаги дастлабки ютуқдир.

Фаластин миллий мухторияти раҳбариятининг бундан кейинги вазифаси - чинакам миллий мустақилликка эришиш учун Исроил билан музокараларни давом эттириб, бу йўлда янги муваффақиятларни таъминлашдан иборат. Фаластин халқи бу сиёсатни маъқуллашига шубҳа йўқ.

Жаҳон афкор оммаси бундай йўлга хайрихоҳдир.

**С. Қурбонов.**

# ҲИЛОЛ

## Шахсий фикр

# МЕЪЁРНИ УНУТМАЙЛИК

Инсон ҳамиша орзу-ҳавас билан яшайди. Яхши ниятда уй қуради, дарахт экади, фарзанд устиради. Ҳаётда одамдан яхшилик қолганига нима етсин... Ҳар бир киши ушалмаган орзуларини фарзандлари камолида кўришни истайди. Бу ҳаммага маълум.

Лекин баъзи бировлар ҳали вояга етмаган фарзандларини ҳаддан зиёд эркалатиб, меъёрни унутиб қўяяптилар. Мактабда икки баҳодан боши чиқмаган бола республикамизнинг нуфузли олийгоҳига ҳеч қийналмай ўқишга киради. Чет эл машиналари, қимматбаҳо кийим-кечаклар бундай эркатойлар учун орзу эмас. Орамизда бойликка ортиқча ружу қўйиб, ҳаётни енгил-елпи тушунувчилар кўпайиб бораётгани кишига алам қилади.

Мустақиллик шарофати билан динимиз, қадимий урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз тикланаётгани яхши, албатта. Лекин мустақиллик - бу кунгилга нима келса шуни қилиш дегани эмас. Молу давлатимиз ошиб-тошиб кетганида ҳам қўшқондан чиқмаган маъқул. Пискентлик аёллар даврасида бўлсангиз, дув-дув гаплар ичида қоласиз. «Нима эмиш, фалончи қизига унга гилам қилибди». «Э, унга гилам нима бўлибди, бизнинг қўшнимиз 15 та гилам қилди». «Фалончи қизига 8 та лама пальто, унга гилам...» «Э, бу кам, Сиз мана буни эшитинг: Ким фалончининг қизини келин қилса, қуёвга янги «Мерседес» машинаси совга қилинармиш. «Вой, машина нима бўлибди, бизнинг қўшнимиз қизига атаб дангиллама участка қурган. Харидорлар бўлса, марҳамат!». «Бори қилади-да, дугонажонлар, йўғи қаердан олади...»

«Бундан ташқари, 50-60 тадан тугунтоғоралару, қуёв-турага , жўралари учун яшикларда ароқ ва турли ичимликлар тортилишини айтмайсизми!..»

Аёлларнинг гапида жон бор. Чунки юқорида қайд қилинган «фалончи» ларнинг ҳаммаси савдо ходимлари, дўкондорлар. Ҳозирги куннинг энг бадавлат одамлари шулар. Ҳолбуки, бизнинг туманда баъзи оилалар ҳатто бир қоп ун сотиб олишга ҳам пул тополмаяпти. Камбағал билан ҳеч ким ҳисоблашмай қўйган. Одамлар 5-6 ойлаб маош ололмаяпти.

Бир вақтлар «Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг боласи гапирсин», деган нақл юрарди. Ҳозир ана шу нақлнинг даври келгандек. Пулдорларнинг қўли баланд. Қаерга узатса етади. Улар бева-бечораларни ўкситиб, узларини кўз-кўз қилмоқдалар. Маҳалла қўмиталари, фаоллар, аёллар кенгаши эса бу ҳолга бепарво. Тумандаги тўй-маъракаларда ҳам уларнинг ўрни сезилмаяпти.

Аввалари маҳалла қўмиталарининг раислари маошсиз фаолият кўрсатишсада, аҳвол яхши эди. Тўй-ҳашамлар бир мунча яхши, ихчам ўтарди. Ҳозир эса...

Дангиллама участка қуриш ёки дабдабали тўй қилишни шунчаки орзу-ҳавас деб бўлмайди. Ахир, орзу-ҳавасдан ташқари савоб, диёнат деган тушунчалар ҳам бор-ку. Наҳотки буни унутган бўлсак?

**С. АБДУЛЛАЕВА.**

## СОКИН ТУНДА...

# КЎНГИЛ ҚУШЛАРИ

Ҳаёт ўткинчидир, умр ўтади,
Ўткинчидир, бари дунё ишлари...
Қалам оқ қоғозга сатр битади,
Унга жим қунади кунгил қушлари...

Берилган шу қисқа синов умрда
Покиза яшамоқ ҳақиқий БАХТдир...
Меҳрнинг гуллари етилиб дилда,
Дустига аталса — у ҳаёт ТАХТдир...

***

Қора сочим ўсиб қошимга тушди,
Лайлининг савдоси бошимга тушди...
Фарҳоднинг ишқида ёнган Ширindек,
Кўзим ёши тоғу-тошимга тушди...

Яраттаннинг карамлари бор экан!
Муҳаббатнинг аламлари бор экан!
Минг нағмаю ситамлари бор экан,
Ишқ шароби кунгил чошига тушди...

Фироқнинг йўллари олис, тумандир,
Висолига етишмоқлик гумондир,
Самарқанд қизининг ҳоли ёмондир,
Ҳаётнинг тўқмоғи бошимга тушди...

Ғарибнинг ҳажрида куйган Санамман,
Хижроннинг ўтида ёнган танаман,
Халоскорим — шеър, мен — содиқ қаламман,
Ашъор дарди-ки кўз ёшимга тушди...

Қора сочим ўсиб қошимга тушди,
Муҳаббат ғавғоси рошимга тушди.
Келиб ҳолим сўрамаса Отабек,
Зайнабнинг заҳари ошимга тушди.

***

Ёвузлик, жоҳиллик шайтонга ошно,
Манманлик, бахиллик йиқитар лойга...
Эй инсон, узингга қўймагин бино!
Тенглаша олмайсан осмонда ойга...

Нафс зўр балодир, итаргай чоҳга,
Сумларга боғлама меҳр, ҳирсингни...
Айланиб қолурсан бир қуруқ шоҳга
Янтоқлар ёпади босган изингни...

Мансабу бойлигинг лаҳзалик меҳмон,
Минг ўйлаб гапиргин айтар сузингни...
Узлигинг унутма, ахир сен инсон,
Яхшилик-ла қолдир ортда изингни...

Меҳрга ташна дил, меҳрзор-юрак,
Фарида бош қуяр доно пойига!
Бўлса одамийлик умрга безак,
Чин инсон ҳурматин қўйса жойига...

**Фарида АБДУЛЛО қизи.**

# ШИРИНСАН ҲАЁТ

Қунгилда қолса гар абадий доғлар,
Йўлимни тўссалар ҳам юксак тоғлар,
Бағрига олмаса ҳам мени боғлар,
Барибир, барибир ширинсан ҳаёт.

Мабодо орзулар бўлса-да барбод,
Юрагим қийноқда чекса-да фарёд,
Қул силтаб, йўқликка кетса-да сабот,
Барибир, барибир ширинсан ҳаёт.

Қўл-оёқ ишламай бедор ётсам ҳам,
Кулфатлар қаърида ғамга ботсам ҳам,
Турмушнинг азобин мангу тотсам ҳам
Барибир, барибир ширинсан ҳаёт.

Мағрурликка чорлаб юксак қоялар,
Хаёлларим тилса-да турли ғоялар,
Таҳликага солса шарпа-соялар,
Барибир, барибир ширинсан ҳаёт.

Кимдир мени қойиб роса сўкса ҳам,
Йиглатиб кўзимдан ёшим тўкса ҳам,
Ҳар тун ёлғизликда кунглим чўкса ҳам
Барибир, барибир ширинсан ҳаёт.

Олам идрокимда, эмасман гаранг,
Аммо мушкуллардан асаблар таранг,
Яшасам ҳам, дустлар, гоҳида аранг,
Барибир, барибир ширинсан ҳаёт.

Умид илинжида бўламан ҳар гал,
Эзгулик руҳлари йўлимда машъал,
Нимадир етишмай бўлсам ҳам маҳтал
Барибир, барибир ширинсан ҳаёт.

Нимадир етишмас балки бир умр,
Кимгадир туймасман, шунга ҳам шукр.
Ахир, борлиқ узи энг олий сурур,
Барибир, барибир ширинсан ҳаёт.

Юз ёшга кирсак ҳам этар маҳлиё —
Бу олам, бу ҳаёт, бу сирли дунё,
Ажал ҳақ-у умр бўлса ҳам рўё,
Барибир, барибир ширинсан ҳаёт.

Истайман ҳаммада бўлсин диёнат,
Ҳеч киши қилмасин элга хиёнат,
Бўлса ҳам «беш куним», дустлар омонат,
Барибир, барибир ширинсан ҳаёт.

Ёнимда одамлар Сиз борсиз, ахир,
Дунёда мен учун бу олий фахр.
Кимлардир аямай қилса ҳам қаҳр,
Барибир, барибир ширинсан ҳаёт.

**Жумабой ШАМАТОВ.**

# ОЙҚОРЛИК ҚИЗ ВА ЙИГИТ АЙТИШУВИ

ҚИЗ: Тилло соат ярашар билаккинамга,
Ишқ ўтини солдингиз юраккинамга.
Ишқ ўтини солсангиз юраккинамга,
Кошки эди, эришсам тилаккинамга.

ЙИГИТ: Дала кезиб бораман, биласизми?!
Дастрўмолим кир бўлса ювасизми?
Ювмасангиз ювманг-а, ёмгир ювсин,
Сизга ошиқлигимни ҳамма билсин.

ҚИЗ: Келсангиз ҳа, майлига, келаверинг,
Юра турган йўлимга гуллар экинг.
Мен ҳам Сизга ошиқман, отам билсин,
Юрагимни қабратмай Сизга берсин.

ЙИГИТ: Рози бўлди отангиз ҳам тўйимизга,
Бахмал билан барқут бичай бўйингизга,
Лапар айтсам, олмайсизми кунглингизга,
Қалб қўримдан дурлар сочай йўлингизга.

**Алибой ЭРГАШЕВ,**
**Жиззах вилояти.**

# АДАШГАН УСТАЛАР

**(интермедия)**

(Неъмат терлаб-пишиб, диван-кароватни тузатиш билан банд. Бир оздан сўнг тузатиб бўлгандек, синаш учун ўтириб кўради. Йиқилиб тушади-ю, жаҳл билан телефонни олади).

Неъмат : — Алло! Бу маиший хизмат кўрсатиш уйими? Нима Тўғруқхона! Кечирасиз...

(Телефонлар китобчасини олиб, зарур рақамни излаб) Алло! Маиший хизмат кўрсатиш уйими? А, жуда яхши, Мебель олгандим. Бироз шикаст ебдими дейман, тўғрилай олмаяпман. Манзилгоҳим...

(Хонага хотини Турсуной киради).

Турсуной: — Қўлингиздан келган ишга ўринсангиз-чи! Ундан кўра телефон қилсангиз бўлмайдими? Ўша ердаги усталар шунинг учун маош олишади.

Неъмат: — Бўлди, бўлди, хоним, ҳозир сим қоқдим. Келиб қолишар.

Турсуной: — Бугун дам олиш куни , Сиз уйда ўтиринг. Мен ҳозир қўшним билан ЦУМ, ГУМ га бориб келаман янаги ҳафтада ўглини уйлантирармиш.

Неъмат: — Жуда яхши, борсангиз бора қолинг, қулогим анча тинчийди. (Турсуной чиқиб кетади).

Кўп ўтмай эшик қўнғироғи жиринглайди.

Неъмат: — Киринг, киринг!

Ҳасан: — Ўртоқ Раҳимбековнинг уйими?

Неъмат : — Худди шу, келаверинг.

Ҳасан: — Мен маиший хизмат кўрсатиш уйиданман. Устаман.

Неъмат: — Жуда яхши, жуда яхши. (Диванни кўрсатади). Мана шу диван-кароватни куни-кеча сотиб олган эдик. Бугун бўлса, бизга хизмат қилгиси келмаяпти.

Ҳасан: — кечирасиз, аниқлаб олмоқчи эдим. Бу диван-каравот ўзимизникими ёки импортнийми?

Неъмат:— ўтириб кўринг, билиб оласиз.

Ҳасан: — Тушунарли, тушунарли. Жаноб, иш шароитининг оғирлиги учун икки минг сўм берасиз. Буни диван қилайми ёки кресло бўлсинми?

Неъмат: — Майли, диван бўла қолсин. Креслода фақат ўтирилади. Диванда эса ўтирсаям, ётсаям бўлади.

Ҳасан: — Қаердан бошлаш керак?

Неъмат : — Буни сиз биласиз.

Ҳасан: — Кечирасиз. Мен мусиқа асбобларини созлайдиган устаман, диванни эса, сиз билан келишиб тузатаман. Биз ҳозир қўшимча ҳунарларни ўзлаштиряпмиз. Мебель тузатишга пианино тузатадиган устани юборишгани учун мен айбдорми?

Неъмат: (бўшашиб). Сизни овора қилганим учун узр. Мебель тузатадиган устангиз келса бўларми?!

Ҳасан: — (истеҳзоли кулиб) Мебель тузатадиган уста келса ҳам бўларди-ю, лекин мусиқа мактабига кетганда! Хўп, денг, ўзим тузата қолай.

**Қодир ҚАЮМОВ.**

# СЕНГА ТОНГЛАР ТУҲФА ҚИЛГУМ

Мен сени бир бор кўриш учун қуёш бўлиб осмонга кўтарилдим. Сен бир зум кўриндинг-да:

— Бунча иссиқ бўлмаса, — дея ҳароратимга дош беролмай, узингни сояга тортиб, кўздан ғойиб бўлдинг.

Мен сенга берган озоримдан афсусланиб, аста-секин тоглар ортига беркиндим. Ва сал ўтмай зулматга айландим. Билдирмай сени қўлларим билан қучиб, юзларингга юзимни босдим. Сен бўлсанг:

— Бунча зулмат, — дея қўлларимдан юлқиниб чиқиб кетдинг. Мен қўлларимни чўзганча оҳ чекдим. Сен буни сезмай қулбанга кириб кетдинг. Мен кунглингни тополмай, жуда қийналдим. Сўнг кўкда ҳилол бўлиб ярқирадим. Деразанга яқинлашиб, шуъларимни кулбанга сочдим. Сенинг чеҳранг ёришиб кетди ва ташқарига чиқдинг. Мен эса сендан жуда олис баландликда эдим. Сенга яқинлашиш мақсадида илдам одимладим. Лекин етиб келгунимча сен ширин уйқуга кетдинг. Ҳарчанд деразангдан мўраламай, уйғонмадинг. Қанчалар энтикиб келганимни билсанг эди!

Шу сабаб булутга айланиб, кўз ёшларим билан борлиқни ювдим. Аста шивирлаб деразангни чертдим. Сен ширин уйқудан уйғониб:

— Ё тавба, ҳалигина ойдин эди, бемаврид ёмғир ёғяптими? — дединг. Наҳотки ёмғир менинг кўз ёшларим эканини илгамадинг? Ахир, у мен эдим, у кўз ёшлар менинг бағримдан сизилиб чиққан соғинч эди-ку! Наҳот сезмадинг!

Мен яна умидимни узмай турib сендан йироқлашдим. Сўнг шамолга айланиб, кўз ёшларимнинг лабини қуритдим. Кунглимни бироз бушаттач, шафаққа отландим. Сен кўзингни очиб, майин табассум билан:

— Тонг! — дединг.

Шунда мен англадимки, сен тонгни севасан. Шундан буён мен тонг шуъласи бўлиб йўлингни ёритишга қарор қилдим. Дарҳақиқат, тонг— ҳаётнинг ибтидоси, ҳар ишнинг боошидир. Умр ҳам тонгдан бошланади.

Мен эса сенга чексиз тонглар туҳфа қилгум!..

**ЭРКИН.**

*Одамийлик сабоқлари*

# ЕТУКЛИК ЙЎЛИДА

Ота-боболаримиз Фоний дунёни «имтиҳон дунёси» деб билганлар. Дарҳақиқат, бу оламда ҳар бир одам умр бўйи ҳаққа етиш, етуклик касб этиш, комил инсонлик аршига юксалиш йўлида ўзига хос имтиҳон топширади.

Одам боласи бу имтиҳонни кимга топширади? Ота-онасигами? Дўст-биродарларигами? Ҳамюртларигами? Ўз халқигами? Йўқ. Аввало Ҳаққа топширади. Зеро, бандаси учун энг олий имтиҳон охиратда - Ҳақ Таоло ҳузурида бўлганидек, етукликнинг ҳам энг олий ўлчови - Ҳаққа етишдир. Ота-она ҳам, дўст-биродар ҳам, юртдош ҳам, ҳатто бутун бошли халқ ҳам аксарият ҳолларда бу имтиҳонда тўғри ҳакамлик қилиб, ҳаққоний баҳо қўяолмайди. Аксарият ҳолларда улар одам боласини ўз аҳвол-руҳиясидан келиб чиққан ҳолда ё ошириб, ё тушириб баҳолайди. Масалан, ота-она «мўмин-қобил бола» деб билган фарзандни бошқалар «аммамнинг бузоғи» деб таърифлайди. Жон дўстим деб билганинг аслида нобоп бўлиб чиқади.

Бир пайтлар эл-юрт «асл фарзандим» деб бошига кўтарган одам, вақти келиб бор-йўғи юртфуруш бўлиб чиқади. Ва, аксинча, бир пайтлар «халқ номидан»,«халқ душмани» дея баҳоланганлар аслида чинакам халқпарвар фидоий жонлар бўлиб чиқадилар. Шу боисдан ҳам «энг олий ҳакам - вақт» дейдилар. Лекин бу ҳикматли гап ҳам том маънодаги ҳақиқат эмас, нисбий гапдир. Бизнинг асрдошларимиз ва ё яқин ўтмишдошларимизни қўя турib, энг олис тарихларга кўз тикайлик.

Дейлик, Широқ ва ё Томириз («Тумарис» эмас!) дек афсонавий қаҳрамонларимиз, жафокаш халқимизнинг ўзига ўхшаб, вақт синовларидан мардонавор ўтса ўтгандир, лекин оралиқдаги бир неча минг йиллик вақт ҳам бу тарихий шахсларни баҳолашда одил ҳакамлик қила оладими? Қаеқда дейсиз! Бугунги кунда бу тарихий сиймоларимизнинг исм-шарифларини тўғри айтолмаймиз, башарти айтганимизда ҳам, бу қадим туркий сузларнинг луғавий маъноларини билмаймиз-ку, ахир! Шундай эмасми? Ҳолбуки «широқ» сўзи, худди «тир ялангоч», «қип-қизил» сўзлари каби, ғоят пурмаъно сўзлардандир. «Широқ» дегани оппоқ, бошдан оёқ оқ покликка тимсол демакдир. Ёхуд, уша биз «Тумарис» деб юрган буюк аждодимиз, азиз волидаи-мукаррамаларимизу улуғ юртпарварларимиздан бири рўзи маҳшарда бош кўтариб, «Мен Томириз эдим - худди ота-бободан қолган туёқдек, тўрт юз қирқ тўрт сўнгак, уч юз олтмиш томир- шунча аждодимдан қолган бир из эдим, нега сиз - авлодларим «из»ни «ис»га алмаштингиз? деб сўрагудек бўлса, бизнинг ҳаммамиз нима дейдик? Биз нима деган авлод, қандай ворис, нима деган халқ, нима деган одам бўламиз?! Ана уша «уч юз олтмиш томир, тўрт юз қирқ тўрт сўнгак»ни ҳикматли сатрларига ўчмас қилиб муҳрлаган Аҳмад Яссавий ҳазратларичи! Нега саккиз аср бадалида «Турк элининг шайхул машойиҳи», «Ҳазрати султони орифин», «Авлиёлар саркори» ва ҳакозо дея таърифланган бу покдомон зот бизнинг асримизда «ўта реакцион диний-мистик шоир» бўлиб қолди? Бугун мустақиллигимизнинг тўртинчи йилида шу бир буюк аждодимизнинг ибратли умрлари бунинг яққол далилларидир. Бундай етукликларга эришишнинг сири нимада? Аҳмад Яссавий ҳазратлари ҳикматли сатрларидан бирида «Юз минг валийлар ўтти сирни сирга улашиб» деб ёзганларидек, аввало ана уша сирни сирдан йиғқирлик билан айириш, жоҳиллик билан ажратиш, сирлар халқасини қўполдан-қўпол равишда чирт узиб ташлаш ўрнига, аксинча, имкон қадар сирни сирга улаш, ақалли сирни сирга улашиб яшаш, ҳуллас, инсоний умрни битмас-туганмас сир-асрорлар ва тилсимлар кўзини очиш йўлига астойдил бағишлашдир. Яна бир «сир» - бу йўлда бошқаларга ёмонлик согиниб - йиғқирлик қилиб эмас, аксинча, яхшилик қилиб - савоб улашиб яшашдадир. Ана ушанда ҳар биримиз, иншооллоҳ, улуғ аждодларимизга муносиб бир етуклик касб этишимиз аён ҳақиқат. Ҳар бир фақир-фуқароси йиғқирлик эмас, аксинча, етукликка интиладиган мамлакат, давлат, халқ ва ватан ҳам ўз навбатида вақти келиб етуклик касб этиши муқаррардир.

**ОТАУЛИ.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«ТИМАРТ»**
**фирмаси**
**тел: (8-3712)**
**91-02-32, 916001**

Металл прокат (трубалар, учбурчак (уголок), арматура, пўлат чивиқ, тахта шаклли металл, швеллер, тунука, металл тасма, чамбарак)ларни етказиб бериш бўйича 1996 йил учун шартномалар тузади.

Металл прокатларини Доимий Суратда майда улгуржи тарзда ва вагонлаб сотиб олади ёки айрибошлайди. Диаметри 325-1020 ммли трубаларни, б-30х8, б-100х4 ммли тахта шаклидаги металларни, 25-130 ммли чамбарак (круг)ларни, диаметри 12-25 ммли арматура ва иссиқхонлар учун қалинлиги 0.12 мм, эни 3 метрли полиэтилен пленкани сотади.

**Манзил: 700005, Тошкент-5, 8-март кўчаси 57-уй. 73 а/я.**

**ГУЛ ЎСТИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Тошкентдаги «Ирода» тижорат ишлаб чиқариш фирмаси чинни (гвоздика) гулининг сифатли кўчатларини Голландиядан келтириб беришга буюртмалар қабул қилади. Буюртма тўрт ҳафта ичида бажарилади.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 100 уй.**
**Телефонлар: (3712) 34-25-66, 35-86-72, 35-24-10.**


## ДУШАНБА, 5

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ҳафтанома».
8.00 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 16-қисм.
9.15 «Италия тараддуотлари». 2-кўрсатув.
9.40 «Али — кичкина». Андижон вилоят «Лола» қўғирчоқ театрининг спектакли.
10.15 «Ассалом, япон тили!»
10.55 «Умр мазмуни». Шифокор Нормурод Жабушев ҳақида телеочерк.
11.10 «Дарахтлар катта эди». Бадиий фильм.
12.40 — 13.15 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
**Публицистик кўрсатувлар дастури:**
18.10 «Мустақиллик одимлари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар
20.55 «Етти иқлим ҳукмдори». Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига.
21.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 17-қисм.
22.10 «Етти иқлим ҳукмдори» туркум кўрсатувининг давоми.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.20 Миразиз Муҳамедов куйлайди.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.45 «Палитра».
19.10 ТВ II намойиш этади.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Мўъжиза» (Дэвид Копперфильд).
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Курьер».
21.15 «... яна об-ҳаво ҳақида».
21.25 ТВ II намойиш этади.
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.50 — 23.50 «Спорт-қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Муз узра нақшлар», «Олатов гулдастаси». Телефильмлар.
*
**Россия жамоат телевидениеси**
**18.20 — 21.40**
*
**Россия давлат телевидениеси**
**21.40 — 23.20**
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Дунган тўйлари». Телефильм.
IV
17.05 «Кўзмунчоқ». Болалар учун кўрсатув.
17.40 «Уста». Г. Брим.
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Ҳар соҳадан бир шингил».
20.15 «Туризм-ревю».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Офарин-96». Фестиваль кундалиги.
21.15 «Юлдузлар ёғдуси».
21.45 «Спорт-тайм».
22.15 — 23.20 «Театр саҳналарида».

## СЕШАНБА, 6

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 17-қисм.
9.10 «Ёшлик» студияси. «Онамнинг ўгитлари».
9.40 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Академик Пугаченкова».
10.00 «Қичкинтой»га хат келди.
**Ўқув машғулотлари:**
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Немис тили.
11.30 Ўзбекистон тарихи.
*
12.00 — 14.00 «Бешинчи давон». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қувноқлар даврасида».
18.35 Футбол шарҳи.
18.55 «Бугунги Европа». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Қимматли қоғозлар бозори». «Файз» ҳиссадорлик жамияти иш тажрибасидан.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Адашлар». Кинокўрсатув.
21.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 18-қисм.
22.15 «Мактуб — кўнгил ойнаси».
23.05 «Эстрада тароналари». Бахтиёр Султонов куйлайди.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.25 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Компьютер — Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55 — 23.55 «Спорт-қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Билдирсой», «Ойдарани тарк этувчилар». Телефильмлар.
*
**Россия жамоат телевидениеси**
**7.30 — 9.00**
*** 
**18.20 — 21.40**
*
**Россия давлат телевидениеси**
**21.40 — 23.20**
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 24.00 «Театр учрашувлари». Горький номидаги Фарғона вилоят театри.
IV
17.00 «Соҳибжамол Ойсулув ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Тошкент оқшомида».
21.00 «Офарин-96». Фестиваль кундалиги.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Видеогид».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Кинонигоҳ».
23.00 — 24.00 «Спорт-қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Эртак учун раҳмат», «Медео рицарлари». Телефильмлар.
*
**Россия жамоат телевидениеси**
**7.30 — 9.00**
***
**18.20 — 21.40**
*
**Россия давлат телевидениеси**
**21.40 — 23.20**
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Дунган тўйлари». Телефильм.
IV
17.05 «Ён қўшним, жон қўшним».
17.45 «Лагич». Телефильм.
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.10 «Офарин-96». Фестиваль кундалиги.
21.25 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
22.25 Эълонлар.
22.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.20 — 00.10 «Кинематограф».

## ЧОРШАНБА, 7

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 18-қисм.
9.15 «Адашлар». Кинокўрсатув.
9.50 «Булоқлар кўз очганда». Шовот дон маҳсулотлари комбинатидан репортаж.
10.20 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Нишона».
**Ўқув машғулотлари:**
10.30 Табиат.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Зоология.
*
12.00 «Куйла, дилкаш дуторим». Мусиқий дастур.
12.30 «Бола бошидан...» Болаларга иқтисодий билим элементларини сингдириш.
13.10 — 15.10 «Ёшлик» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Гулғунчалар». Кичкинтойлар учун концерт.
18.30 Спорт хабарномаси.
18.45 «Ўзингни эр билсанг...» Муаллифлик кўрсатуви.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ҳаёт синовлари». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
21.35 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 19-қисм.
22.15 «Зебо». Қизлар тележурнали.
22.55 Мумтоз куйлардан концерт.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 01.10 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 1-қисм.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Компьютер — Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55 — 23.55 «Спорт-қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Билдирсой», «Ойдарани тарк этувчилар». Телефильмлар.
*
**Россия жамоат телевидениеси**
**7.30 — 9.00**
***
**18.20 — 21.40**
*
**Россия давлат телевидениеси**
**21.40 — 23.20**
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 24.00 «Театр учрашувлари». Горький номидаги Фарғона вилоят театри.
IV
17.00 «Соҳибжамол Ойсулув ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Тошкент оқшомида».
21.00 «Офарин-96». Фестиваль кундалиги.
21.15 «Рангинкамон» (тожик тилида).
21.55 Эълонлар.
22.00 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан».
22.40 — 23.20 «Интердиалог».

## ПАЙШАНБА, 8

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 19-қисм.
9.10 «Зебо». Қизлар тележурнали.
9.50 «Ҳаёт мазмуни». Кинодастур.
**Ўқув машғулотлари:**
10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
11.30 Умумий биология.
*
12.00 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 1-қисм.
13.20 — 15.20 «Маърифат» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тилга эътибор...».
18.45 «Пул қадри». Телеклуб.
19.05 «Олимп сари». Спорт кўрсатуви.
19.25 Эълонлар.
19.30 Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Юзма-юз». «Банк ахбороти» ва «Банковские ведомости» газетасининг бош муҳаррири Равшан Охунов билан мулоқот.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Шаҳар бедарвоза эмас...» Публицистик кўрсатув.
21.35 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 20-қисм.
22.20 Ҳофизлар хониш қилганда.
23.05 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Нафосатга бахшида умр».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 01.05 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 2-қисм.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Автосалон».
20.10 «Хай Фай» («Юқори сифат»).
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Сизнинг услуб».
21.10 «Жаҳон киноси юлдузлари».
21.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35 — 00.35 «Спорт-қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Емирилиш». Телефильм.
*
**Россия жамоат телевидениеси**
**7.30 — 9.00**
***
**18.20 — 21.40**
*
**Россия давлат телевидениеси**
**21.40 — 23.20**
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 24.00 «Балерина Насиба Алимова». Телефильм.
IV
17.05 «Бу бўстон аро...»
17.35 «Мусиқий саёҳат».
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Армудлар». Телефильм.
21.00 «Офарин-96». Фестиваль кундалиги.
21.15 «Оқ соя».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.50 — 00.20 «Кинематограф».

## ЖУМА, 9

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 20-қисм.
9.15 «Экология ва саломатлик». «ЭКОСАН» аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида.
9.35 «Талабалар саҳнасида». Тошкент Давлат маданият техникуми битирувчилари ижоди.
**Ўқув машғулотлари:**
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.
*
12.00 «Жаннат — оналар оёғин остидадур...» Публицистик кўрсатув.
12.30 «Соғлом авлод учун». Боғчаларда жисмоний тарбия.
12.50 — 14.05 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 2-қисм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
**«Навоийхонлик». Видеоканал:**
18.10 «Айладим ул мамлакатни якқалам...»
18.35 «Эл аро машҳурдир...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Кўнглум ичра...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Нигоҳининг маъноси нодир».
21.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 21-қисм.
22.10 «Одамий эрсанг...»
22.25 «Назм ва наво».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 01.15 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 3-қисм.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 Ривоят».
18.20 «Офарин».
19.00 «RAKS» қўшиқлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Репортаж.
20.10 «Эртага — шанба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Мафтункор чеҳралар».
21.20 «Таманно».
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.10 — 23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Оқсоқоллар». Телефильм.
*
**Россия жамоат телевидениеси**
**7.30 — 9.00**
***
**18.20 — 21.40**
*
**Россия давлат телевидениеси**
**21.40 — 23.20**
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 24.00 «Қаҳрамон Дадаев». Фильм-концерт.
IV
17.05 «Ўз ҳақингда сўзлаб бер».
17.35 «Жонажон ўлкам», «Унутилмас қўшиқлар». Телефильмлар.
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Навигаторнинг парвози». Бадиий фильм.
21.25 «Бизнес-академия».
21.50 Эълонлар.
21.55 «02» тўлқинида».
22.20 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
22.50 — 23.25 «Балет — муҳаббатим менинг». Бернора Қориева (такрор.).

## ШАНБА, 10

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 21-қисм.
9.10 «Меҳр». Маннон Уйғур номидаги Санъат институти битирувчиларининг учрашуви.
10.00 «Замон».
10.15 «Назм ва наво».
11.15 Эртаклар — яхшиликка етаклар. «Бой ва афанди».
11.55 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 3-қисм.
13.20 — 15.20 «Маънавият» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Компьютер-шоу». Телетанлов.
18.45 «Санъат ғунчалари».
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Оқшом эртаклари.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ўзбекистон — Ватаним маним».
21.25 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 22-қисм.
22.05 «Ташаббус — 95». Республика тадбиркорларининг кўрик-танлови.
22.50 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.
II
9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Автосалон».
9.40 «Хай Фай» («Юқори сифат»).
9.55 «Сизнинг услуб».
10.10 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар».
10.55 «Кинонигоҳ».
12.35 — 13.35 «Спорт-қитъаси».
***
18.00 «Совға».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Ишингиз бароридан келсин!»
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
21.30 Видео янгиликлари.
21.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».
III
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Йилқичилар». Телефильм.
*
**Россия жамоат телевидениеси**
**18.20 — 21.40**
*
**Россия давлат телевидениеси**
**21.40 — 23.20**
*
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.45 «Жонли сайёра».
IV
10.00 Болалар учун фильм. «Пеппи узун пайпоқ».
11.05 Эълонлар.
11.10 «Умид» (уйғур тилида).
11.50 «Дидар» (қозоқ тилида).
12.30 — 13.10 «Муъжизалар оламига саёҳат». Қўғирчоқ театрининг ижодий жамоаси билан учрашув.
***
17.05 «Камин олдидаги суҳбат».
17.35 «Рақс — дўстлик элчиси».
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Телеташриф».
21.10 «Бугунги Европа».
21.30 «Бу ажиб дунё».
21.50 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
22.10 «Олам ва одам».
22.45 — 23.25 «Монитор-»Осиё».

## ЯКШАНБА, 11

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 22-қисм.
9.10 «Анъаналар... Оҳанглар... Ашулалар...» Ёшлар камолотида анъанавий ижрочилик санъатининг роли.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
12.30 «Компьютер-шоу».
13.15 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.45 — 15.45 «Болалигим — пошшолигим». Кичкинтойлар учун видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Хўтикнинг хомушлик касаллигига чалингани ҳақида». Мультфильм.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Ўйла! Изла! Топ!»
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Италия тараддуотлари». 3-кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
21.40 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 23-қисм.
22.20 Рамазон қўшиқлари.
22.35 «Юрагимда порлайди чирок». Хусниддин Шарипов.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 — 00.20 «Жаҳон киноси юлдузлари». Одри Хёпберн.
II
9.00 «Ривоят».
9.05 «Офарин».
9.45 «Олам». Маърифий кўрсатув.
10.30 «Оҳанглар оғушида».
10.35 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
11.20 «Имкон чўққилари».
11.40 Кўнгил».
12.05 Видео янгиликлари.
12.25 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.45 Видео — «О».
14.25 — 15.25 «Спорт-қитъаси».
***
18.00 «Келгуси ҳафтада».
18.10 Эълонлар.
18.15 Болалар учун. «LEGO» сайёраси.
18.40 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Юлдузлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Илҳом сатрлари».
21.00 «Фармед».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.30 «Шахс ва баҳс».
21.50 «Даракчи».
22.00 «Келгуси ҳафтада».
22.10 Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».
III
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Зандана сири», «Сари-челек». Телефильмлар.
*
**Россия жамоат телевидениеси**
**18.25 — 22.50**
*
**Россия давлат телевидениеси**
**22.50 — 23.20**
*
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 «Панорама» (рус тилида).
IV
10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли оламида».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.15 «Менинг кўчам».
12.30 Эълонлар.
12.35 «Эсдалик учун дастхат». И. Николаев ва Н. Королева.
13.00 «Жонли сайёра».
13.20 — 14.30 «Сўнгги ташриф». Бадиий фильм.
* * *
17.05 «Сенинг вақтинг».
17.30 «Айчурек» (қирғиз тилида).
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.15 «Жаҳонга юз тутиб». Эрон Ислом Республикасининг миллий байрамига.
21.40 «Бу ажиб дунё».
22.00 «Чинсэн».
22.40 — 00.10 «Кинематограф».


**Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги «АРН» тадбиркорлика кўмаклашувчи марказ ТУГАТИЛАДИ.**
**Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.**
**Мурожаат учун тел:96-58-13.**


## МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИЯСИ

*(5 — 11 февраль кунлари учун)*

**ДАЛВ (20.01-18.02)** ойида таваллуд топганлар учун бу ҳафта нахс келиши кутилади. Эҳтиёткор бўлинмаса, кўпдан юз бериши кутилган ҳавф туғилиши муқаррар. Ишга, ўқишга ва уйга ўз вақтида келиш ва ўз вазифаларини сидқидилдан бажариш билан шуғулланишни маслаҳат берамиз.

**ҲУТ (19.02-21.03)** ойида туғилганлар учун бу ҳафта омадлидир. Улар режалаштирган ишларини бемалол қилаверишлари мумкин. Умид- орзулари амалга ошади. Уйда ҳам бир неча бор хурсандчиликларга шоҳид бўладилар. Айниқса, иқтисод жиҳатидан яхшигина ўзгариш бўлиши мумкин.

**ҲАМАЛ (22.03-21.04)** ойи фарзандлари учун бу ҳафта оддий бўлади. Ортиқча ташвишлар, шодиёналар кишидан йироқроқ бўлиши кутилади. Бу ҳафта сафарга, балиқ овига чиқиш мумкин. Ота-она ва қариндош-уруғларни зиёрат қилиш ҳосиятлидир.

**САВР (22.04-20.05)** ойи фарзандлари учун бу ҳафтанинг аввалги икки куни нахс аралаш, қолган кунлари эса омадли келади. Бирон бир нохушлик содир бўлмаслиги учун дастлабки кунлар покликка риоя қилиш лозим. Ҳафтанинг кейинги кунлари ҳар соҳада яхшиликлар қулиб боқади. Хусусан, савдо-сотиқ ва ҳунармадчилик соҳаларида анчагина даромадга эга бўлишади.

**ЖАВЗО (21.05-21.06)** ойи фарзандлари учун бу ҳафта омадли келади. Режадаги ишларни бошлайверган маъқул. Бошлиқлар ҳузурига кириш билан боғлиқ ишларда мақсадларига эришишлари мумкин. Муҳаббат борасида ҳам кўп омадли кунлар кутилур. Қўпдан орзиқиб кутилган воқеалар юз беради. Савдо-сотиқ ишларида ҳам ёлғон ва ҳийла ишлатилмаса, албатта катта фойда топилур.

**МЕЗОН (23.09-22.10)** ойи фарзандлари учун бу ҳафта омадли келиши кутилур. Бу кунларда бошлаган ишлар Аллоҳни амри билан яхши тугайди. Мушкулликлар осонлик билан ҳал бўлади. Оила ва ишхона ёки ўқиш даргоҳларида ўзаро тушунмовчиликлар барҳам топилиши кутилур. Бу кунлар ичи пок бўлиб, ҳар қандай гуноҳ ишлардан сақланиш қатъий талаб қилинади.

**АҚРАБ (23.10-21.11)** ойи фарзандлари учун ҳафтанинг аввалги тўрт куни омадли, қолган кунлари нахс аралаш келади. Шунинг учун режалаштирилган ишларни барвақтроқ бажариб қўйгани маъқул. Қолган кунлари эса яхши ва савобли ишлар бил